O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Da'vat**

*Bu sport o'yinlari yildan-yilga sizlarning quvvatingizga quvvat, g'ayratingizga g'ayrat qo'shib, bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lishingiz uchun zamin yaratadi. O'g'il-qizlari ana shunday fazilatlarga ega bo'lgan mamlakatning esa istiqboli, albatta, yorug' bo'ladi.*

**Islom KARIMOV**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 2 май, пайшанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 33(7436)

**Ibrat**

*Andijon shahrida qariyb 11,5 gektar maydonni o'z ichiga olgan va qurilish loyihasi 5 mlrd. so'mlik bo'lgan "Olimpiya o'rinbosarlari" kolleji qurilishi boshlandi. Ikki bosqichda olib borilayotgan qurilish ishlarining birinchi navbati shu yil dekabr oyida foydalanishga topshirilsa, qolgan qismi keyingi yil yakunida qurib bitkazilishi rejalashtirilgan.*





# БОЛАЖОН ЮРТНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

Бир ҳафта аввал айнан мана шу ўйингоҳда "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг очилиш маросими бўлиб ўтиб, байрамона кўриниш касб этган мазкур спорт байрами нафақат мамлакатимиз, балки қўшни Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон республикалари фуқаролари томонидан ҳам юқори баҳоланган эди. Фикримизнинг далили ўлароқ, очилиш маросимини телевизор орқали томоша қилган Қирғизистон республикаси Боткен вилояти Қадамжой туманидаги Халмиён қишлоғи аҳолиси билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида, улар ўз фарзандлари учун давлат томонидан ана шундай диққат-эътибор бўлишини жуда-жуда хоҳлашларини яширишмади. Бинобарин, улар ҳам ўз болаларини жисмонан ва маънан камолга етишини истайдилар.

Мана шу юқоридаги фикрларнинг ўзигина дунёнинг ҳеч бир давлатида кузатилмаган, илк бора мамлакатимизда ташкил этилган спортнинг узлуксиз тизими борасида билдирилган халқаро эътирофнинг бир кўринишидир.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" босқичларини ўтказишдан бош мақсад жисмоний тарбия ва спортни жамиятимизда кучли оммавий ҳаракатга айлантириш орқали фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол вояга етказишдир. Зеро, бу каби мусобақаларни ўз келажагини ўйлаган, фарзандларининг келгусида комил инсонлар бўлиб етишини мақсад қилган жамиятгина ташкил эта олади.

Инсонни жисмонан юқори даражага чорловчи, ақлан салоҳиятини ривожлантирувчи, унда ватанпарварлик туйғусини шакллантирувчи спортнинг 11 тури бўйича бутун ўқув йили давомида босқичма-босқич саралаб олинган ўғил-қизларимиз куни кеча Фарғона шаҳридаги марказий ўйингоҳда саф тортдилар. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида қатнашган ҳар қандай киши мусобақа иштирокчилари ва кўп минг сонли томошабинларнинг ушбу спорт байрамидан қандай завқ олганликларини ҳамда ёш авлодга Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган улкан ғамхўрликдан беҳад мамнун эканликларини уларнинг ёрқин чеҳраларидан билиб олиш қийин эмас эди.

Боиси, бир ҳафталик ўйинлар давомида кунлар исиб қуёш чарақлаб турган бўлсада, лекин ёпилиш маросимидан 2-3 соат аввал баҳор ўзига хослигини намоён этди. Ҳали бошланмаган тадбирни томоша қилиш учун, ёмғир ёғиб туришига қарамасдан, Фарғона аҳли ҳамда қўшни вилоятлардан келган мухлислар ўйингоҳ томон интилишарди. Айниқса, уларни қайси терма жамоалар ғолиб бўлади, ким энг олий мукофотга сазовор бўлади каби саволлар қизиқтирарди.

Ўз навбатида мазкур мусобақалар якунини янада жозибали ва таъсирли ўтишига эришиш, республикамизнинг бадиий жамоалари ва ёш ижрочилар томонидан барчага кўтаринки руҳ, маънавий куч бағишлабгина қолмай, кишиларимиз орасида спортни тарғиб этиш, ёшларни Ватанимиз равнақи йўлида бирлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш тадбирни саҳналаштирувчи ижодий гуруҳнинг асосий мақсади бўлди.

Ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар етиб келиб, гарчи ёмғир шаррос қуйиб турган бўлса-да, белгиланган вақтда "Чорлов" мусиқаси янгради. Зеро, унинг рамзий маъноси теварак-атрофдаги барча-барчани ушбу байрамга чақиришни англатарди. Сўнгра миллий санъатимизни хорижда ҳам кенг тарғиб этаётган "Аббос" гуруҳининг карнай-сурнай мусиқалари янграгач, "Ватан марши" садолари остида майдонда турли рангдаги байроқларни кўтариб олган байроқдорлар ярим доира шаклида жойлашдилар. Трибуна қаршисидаги бадиий фонда эса "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинларининг рамзий белгилари ҳамда "Фарғона-2002", "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", "Келажак ёшларники" каби ёзувлар ҳосил бўлди.

Мана шу жараёнлардан кейин мусобақа қатнашчиларининг марш паради бошланиб, 1-,2-,3-ўринларни эгаллаган терма жамоалар бошқа жамоалар ҳамроҳлигида ўйингоҳнинг марказий қисмида саф тортдилар. Шу вақтда тадбирнинг энг юксак нуқтаси, яъни барча юракларни ҳаяжонга солувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг махсус совринлари барча тур ўйинлари бўйича умумжамоа ҳисобида олтин, кумуш, бронза медалларини олишга сазовор бўлган терма жамоаларга топширилди. Яъни Тошкент шаҳри ўқувчилари жамоаси 1-ўринни эгаллаганликлари учун уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўчма бош соврини — "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ҳамда "Дамас" автомобили ва I даражали дипломни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ва Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоевлар топширдилар. Иккинчи ўринни эгаллаган мезбонларга эса "Дамас" автомобили ва II даражали дипломни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Халқ таълими вазири Р.Жўраев топширди. Учинчи ўринни қўлга киритган Наманган вилояти терма жамоасига компьютерлашган кичик босмахона ва III даражали дипломни Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов ҳамда Фар-ғона шаҳар ҳокими Р.Болтабоев топширишди. Шунингдек, "Энг аҳил команда" дея номланган мукофотга наманганлик волейболчи қизлар эгалик қилдилар ва уларга замонавий компьютер қурилмаси берилди. "Энг чиройли ғалаба" дея номланган соврин фарғоналик ёш полвон Шерзод Маҳмудовга насиб этди ва у рангли телевизор билан тақдирланди.

"Юксак натижага интилиш" учун рағбатлантирувчи соврин — видеомагнитафон пойтахтлик енгил атлетикачи Светлана Радзивилга топширилди.

Шу билан ёпилиш маросимининг расмий қисми якунига етиб, бадиий қисми бошланди. Майдон узра миллий қўшиқчилигимизнинг фахри бўлмиш Жўрахон Султонов ижросидаги "Бўлак" қўшиғи янграганида қирмизи либосдаги раққоса қизлар ўз санъатларини намойиш қилдилар. Унинг кетидан Маъмуржон Узоқовнинг "Йўлим" ҳамда Таваккал Қодировнинг "Ўхшайдику" қўшиқлари таралиб, кишининг қалбини тўлқинлантирди. Шу тариқа катта спорт байрамининг мусиқали қисми бошланиб кетди. Болажонларнинг она-Ватан, нурли келажак, тинчлик, бирдамлик, бахтиёр болалик ҳақида куйлаган шўх-шодон қўшиқлари, гўзал рақслари, спортчи фарзандларимизнинг кўргазмали чиқишлари, боғча тарбияланувчиларининг "Бизлар — умид ниҳолларимиз" дея айтган қўшиқлари дилларга ҳузур бахш этди.

Айниқса, мактаб ўқувчиларининг чиқишлари худди спорт мусобақаларида 1-4, 5-7, 8-11-синфларга бўлинган ҳолда курашганликларига ўхшатиб тузилгани, уларнинг жисмоний ва ақлий тарбиялари бир-бирига ҳамоҳанг тарзда бақамти олиб борилаётганлигининг яққол исботидир. Шунингдек, ўғил-қизларимизнинг мамлакатимизнинг улкан, муқаддас байроғи остида тўпланишлари, уларни келгусида жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққий топиши, унинг осойишталигини таъминлаш ҳамда сарҳадларини мардонавор қўриқлаш, шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз байроғини баланд ҳилпираши учун бир тану бир жон бўлиб ҳаракат

(Давоми 2-бетда)





**ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:**

ВАТАН БАЙРОҒИ БИРЛАШТИРГАН ШИДДАТЛИ ТЎЛҚИН
2-бет

ТАНИШИНГ: 11 ТУРНИНГ ЧЕМПИОНЛАРИ
3-бет

МАГИСТРАТУРА — ТАДҚИҚОТЛАР "МАКОНИ"
4-бет

ШЕЪР, ЎГИТ ВА ҲИКОЯТ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИЛГАН ДАРС
5-бет

ОТ БИЛАН СУҲБАТ
5-бет

ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ
6-бет

ҚИШЛОҚ МАКТАБИДА ЗАМОНАВИЙ КИМЁ ХОНАСИ
7-бет

ИТАЛИЯ ФУҚАРОСИДАН МАКТУБ КЕЛДИ
7-бет

СЕВГИМИЯ (ҲАЖВИЯ)
8-бет

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 30 aprel kuni Oqsaroyda Xitoy xalq respublikasi Eksimbanki prezidenti Yang Tszilinni qabul qildi. Oqsaroydagi uchrashuvda mamlakatlarimiz o'rtasidagi savdo iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish masalalari yuzasidan fikr almashildi hamda XXRning O'zbekistonga imtiyozli kredit ajratish to'g'risida hukumatlararo bitim va mamlakatimiz Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki bilan Xitoy Eksimbanki o'rtasida hamkorlik to'g'risidagi hujjatlar imzolandi.**

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimov nomiga Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vaziri Yu.Shevchenko hamda Rossiya tibbiyot fanlari akademiyasi prezidenti V.Pokrovskiylar tomonidan minnatdorchilik maktubi olindi. Unda Yurtboshimiz tomonidan Toshkentda butun mustaqil davlatlar hamdo'stligi sog'liqni saqlash tizimi uchun katta ahamiyatga ega bo'lgan respublika shoshilinch tibbiy yordam ilmiy markazining ochilishi, bu tizimni yanada rivojlantirishdagi olib borayotgan sa'y-harakatlariga yuqori baho berganliklari ta'kidlangan.**

**"Uzbekistan Airways Technics" samolyot ta'mirlash korxonasi Germaniyaning "Lufthansa Technic" kompaniyasi bilan hamkorlik qilishga kelishib oldi. Bu haqdagi hujjatga shu yilning 6-12 may kunlari Berlin shahrida o'tkaziladigan "ILA-2002" xalqaro havo-koinot ko'rgazmasi paytida imzo chekiladi.**

**Toshkentda O'zbekiston Badiiy ijodkorlar uyushmasining umumiy yig'ilishi bo'lib o'tdi. Unda olimlar, rassomlar, san'atning turli sohalarida faoliyat ko'rsatayotgan ijodkorlar, xalqaro tashkilot vakillari ishtirok etishdi. Anjumanda Badiiy ijodkorlar uyushmasining istiqboldagi vazifalari belgilab olindi.**

## ШАҲРИСАБЗ БАЙРАМ ОҒУШИДА

*"Ўзбекистон — Ватаним маним" анъанавий республика қўшиқ байрами бу йил Шаҳрисабзда бўлиб ўтади. Ватанимиз тарихида ўзига хос ўрин тутувчи ушбу гўзал шаҳар 1-5 май кунлари байрам оғушида яшайди.*

*Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасалари ўқувчи-ёшларининг "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш учун шаҳри Кеш танлангани бежиз эмас. Маълумки, санъатсевар ўқувчилар 1999 йили Бухоро, 2000 йили Самарқанд, 2001 йили Хоразмда йиғилган эдилар. Кўрик-танлов, байрам фестивалидан ташқари болалар Ўзбекистонимизнинг ушбу тарихий масканлари қадамжоларини зиёрат қилиб, томоша қилишган эди. Зеро, мақсад — фақат қўшиқ куйлаш, дийдорлашиш, беллашиш эмас, Ватанимизнинг дунёга донг таратган тарихий обидаларини биргаликда томоша қилиш, аждодларимиз меросидан баҳраманд бўлиш, ғурур, фахр туйғуларини тарбиялаб, ёш қалбларда Ватан севгисини янада оширишдан ҳам иборатдир.*

*Шаҳрисабз шаҳри бу йил ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлайди. Шундай улуғ тантана арафасида бу ерда Ватанимиз келажаги бўлмиш иқтидорли ёшларнинг тўпланиши шаҳрисабзликларни янада руҳлантириши табиий.*

**Ҳ.НИШОНОВ**

## O'qituvchi yon daftariga

### TOZA HAVO TADBIRI

**AQShning Illinoys shtatida shahar ko'chalariga, korxona va tashkilotlarga maxsus svetofor o'rnatilgan bo'lib, illinoysliklar shu uskuna ranggiga qarab havoning tozaligi darajasini bilib olishadi. Svetoforda ko'k rang yonsa, demak havo toza, biroz ifloslansa — sariq chiroq, agar qizil chiroq yongudek bo'lsa havoning o'ta ifloslanganini bildiradi. Oxirgi holatda shahardagi sanoat korxonalari, maktablar, do'konlar va transport o'z ishini to'xtatadi.**

### HAYVONLAR ICHIDA

**Hayvonlar orasida eng uyquni yaxshi ko'radiganlari sichqonlar va quyonlardir, deyishadi mutaxassislar. Ma'lum bo'lishicha, bu turdagi hayvonlar bir kecha-kunduz davomida 20 martagacha mizg'ib olar ekan.**

### TADQIQOTLAR XULOSASI

**Buyuk Britaniyada o'tkazilgan tadqiqotlar natijasiga ko'ra, uyali telefonlar ko'payishi barobarida o'smirlar orasida chekishning kamayish kuzatilgan. So'rovnomaga javob bergan talabalar o'zlarini uyali telefon bilan bashang va omadli his qilishlarini ta'kidlashgan. Chekish ham yoshlar o'rtasida shunday kayfiyat uyg'otishini hisobga olsak, demak haqiqatdan ham bu aloqa turining chekishga ta'siri bo'lishi mumkin.**

### TALABALARGA SHAROIT

**Fransiyadagi Nanta universiteti ma'muriyati kamquvvat yoki charchagan talabalarning dam olib, kuch yig'ib olishlari uchun maxsus xonalarni ishga tushirdi. Talabalar bu sokin xonalarda ma'lum muddat mizg'ib olishlari va quvvatini tiklab olgach, yana saboqni davom ettiraverishlari mumkin.**

*Насиб этса, Ватанимга кўплаб олтин медаллар тухфа қиламан.*

*Сўнгра фарғоналик спортчи-ўқувчилар уни мусобақа байроғини тантанали тарзда хоразмлик забардаст йигитларга топширишди.*



# БОЛАЖОН ЮРТНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**



қилишларини билдиради. Айниқса, майдоннинг худди мана шу лаҳзадаги бетимсол кўриниши ва одамлар юзидаги ҳайратни кўриб ғурурланмоқ ва шу орқали она юрт қудратини, буюк келажагини, фарзандлар камолини англамоқ ва ҳис этмоқ мумкин. Дарвоқе, ўйингоҳ кўркига кўрк қўшиб турган ранг-баранг байроқлар, шиор ва паннолар, йигит-қизларимизнинг юз-кўзларидаги қувонч ва қатъиятни кўриб, беихтиёр қалбингизда шукроналик ҳисси уйғониб, ҳалол ва покдил, меҳмондўст ҳамда бағрикенг халқимизга нисбатан меҳр-муҳаббатингиз ошади. Мана шу жаннатмакон юртда яшаётганингиздан фахр-ифтихорга тўласиз.

Энг муҳими, Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" дея айтган қатъий гаплари бугун ўз амалини топиб, мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида муҳим ва бекиёс ишлар амалга оширилаётганидан мамнуният ҳиссини туясиз. Бундан ташқари, республикамиздаги таниқли эстрада хонандаларининг ва вилоят бадиий жамоаларининг куй-қўшиқлари ҳам байрам иштирокчиларининг кўнгилларига ҳузур бағишлади.

Ниҳоят, тадбир якунида ўйингоҳ аста қоронғулашиб, прожекторлар нури Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳамда "Умид ниҳоллари" мусобақалари байроғини ёритди. Фанфарлар овози янграгач, "Умид ниҳоллари" байроғи туширилди. Сўнгра фарғоналик спортчи-ўқувчилар уни мусобақа байроғини тантанали тарзда хоразмлик забардаст йигитларга топширишди.

Сўнгра, бир ҳафта давомида ёниб турган, нафақат спортчи-ўқувчилар, балки байрамда иштирок этган ҳар бир киши қалбига илиқлик улашган машъала сўндирилди. Зеро, "Фарғона" марказий ўйингоҳида порлаб турган мазкур машъалага шу кунларда барча юртдошларимизнинг синчков нигоҳи қаратилганди. Қуёшдан нур олган "Умид ниҳоллари" машъаласининг ҳарорати фарзандларимиз орқали бутун халқимиз қалбига ўтди.

Шундай қилиб, мушакбозлик ва болаларнинг ҳайқириқлари билан тугаган маросим ўтказилган кун, яъни гўзал Фарғонанинг яна бир шукуҳли оқшоми бутун мамлакатимиз халқи хотирасида муҳрланиб қолди. Дарвоқе, мезбон жамоанинг байроқни хоразмлик тенгдошларига беришларининг боиси, келгуси йилги мусобақалар кўҳна Хоразмда ўтказилади. Шу тариқа, мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари республикамизнинг барча вилоятларида навбатма-навбат ўтказилади.

Илк мусобақаларнинг эътиборга сазовор жиҳати шу бўлдики, ўйинлар фақат беллашувлардангина иборат бўлмади. Спортчи ёшларимиз Фарғонанинг сўлим табиати, меҳмондўст ва дилкаш халқи, уларнинг урф-одатлари ва ўзига хос ҳаёт тарзи билан яқиндан танишдилар. Вилоятнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ўтказилган учрашувлар, бадиий кечалар, куй ва қўшиқ базмлари ёшларга завқ бағишлади. Тошлоқ туманининг Қалача қишлоғи марказидаги "Умид ниҳоллари" боғига ўтқазилган ниҳолларнинг эса, фарзандларимизнинг орзу-умидлари сингари бўй чўзиб, гуркираб яшнашига ишонамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, илк бора ташкил этилган "Умид ниҳоллари"нинг биринчи байрами якун топди. Тўғри, ўйинлар жараёнида ёки ташкилий томондан қайсидир бир жиҳатда камчиликлар кўзга ташлангандир. Келгуси ўйинларда ўша хатолар тугатилиб, янада кўнгилдагидек ўтказилишига ҳаракат қиламиз. Бу сафарги энг катта ютуғимиз эса, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг узвийлик ва узлуксизлик модели асосида яратилган уч босқичли спорт тизими ёшлар ва ўсмирларнинг барча қатламларини ўзида тўла қамраб олганидир. Жисмоний ва маънавий мукаммалликка юксалтиришнинг муҳим омили бўлган спорт мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устивор йўналишига айланди. Зеро, оммавийликдан юксак спорт ютуқларига йўналтирилган янги тизимимиз ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда Ўзбекистон нуфузини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Камолиддин АЛИОХУНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

## БАҒДОДЛИКЛАР ҲИММАТИ

***"Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари иштирокчиларининг маданий дам олишлари учун Фарғона солиқ коллежи ётоқхонасида жойлашган спортнинг белбоғли кураш тури қатнашчиларига Бағдод тумани ҳокимлиги ажойиб тадбир уюштирди.***

***Ҳар бир иштирокчига туман ҳокимиятининг махсус совғалари берилди. Мусобақа иштирокчиларига катта дастурхон ёзилиб, туман халқ таълими ва маданияти бўлимлари томонидан ажойиб концерт дастури намойиш этилди. Концерт дастурида ўзларининг шўх рақслари билан иштирок этган Бағдод туманидаги 24-мактаб ўқувчиларидан Шаҳло Мирзаева ва Шаҳноза Отабоевалар қуйидаги фикрларни билдиришди:***

***— Куни кеча мисоли қуёш каби порлаган машъалани, ғолибликни қўлга киритиш мақсади билан келган ёш спортчиларни кўриб, тўғриси, уларга жуда ҳавас қилдик. Ёш спортчиларга қараб, бизнинг ҳам мусобақада қатнашгимиз келди. Тантаналарни кўриб, жуда ҳам ҳаяжонландик. Ва юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.***

## ЖИЗЗАХЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Бир ҳафталик мусобақалар давомида биз халқаро турнирларда ғолиб бўлган ўқувчилар билан ҳам суҳбатда бўлдик. Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 8-ўрта мактабнинг 11-синфида ўқиётган Олим Равшанов Россия, Туркманистон, Қирғизистон давлатларида ўсмирлар ўртасида ўтказилган кураш мусобақаларининг фахрий совриндоридир.

**— Олим, сиз мамлакат ва халқаро миқёсдаги чемпионликни қўлга киритгансиз. Хусусан, халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб шоҳсупага кўтарилганингизда кўнглингиздан нималар кечган?**

— Россиянинг Тверь шаҳрида 60 кг.ли тенгқурларим ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, шоҳсупага кўтарилганимда Ўзбекистон мадҳияси янгради. Ана шунда Ватан туйғуси қанчалик тотли эканлигини ҳис этдим. Бу ҳолат ҳар қандай ўқувчини келгуси мусобақаларда ҳам биринчиликни қўлга киритишга ундайди. Насиб этса, Ватанимга кўплаб олтин медаллар тухфа қиламан.

**— Бу йил мактабни тамомлайсиз. Қайси соҳа эгаси бўлмоқчисиз?**

— Ниятим, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига кириб ўқиш, спортчи бўлиш. Айни вақтда ўтказилаётган мусобақаларда эса Жиззах вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 65 кг. лилар ўртасида чемпион бўлиб уйга қайтмоқдаман.

Зеро, бугун миллий курашимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси байроғининг баланд ҳилпираши учун хизмат қилмоқда. Ўз навбатида биз ҳам унинг янада юксакка кўтарилиши учун ҳозирданоқ ёшларимизга кураш сирларини чуқурроқ ўргатиб борсак, эртага у албатта самара беради.

## РУҲИЙ МАДАД БАҒИШЛАДИ

*Ўзликни англаш саодати ҳар бир инсонни ўз халқининг тарихи, ўтмиши ва аждодлари қолдирган бой маданий-маънавий меросни теран ўрганишини тақозо қилади.*

*Болалар қалбига она-юртга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдиришда эса тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, у ерларга саёҳатлар уюштиришнинг аҳамияти каттадир.*

*Фарғонада бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчилари ҳам гуруҳларга бўлинган ҳолда Қува туманидаги Ал-Фарғоний мажмуасини томоша қилишди.*

*— Мен Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманининг энг чекка қишлоғидан келганман, — дейди Асқар Бодиқов, — "Умид ниҳоллари"да қатнашиш давомида буюк аждодимиз Ал-Фарғоний мажмуасига келаман деб, ҳеч ўйламаган эдим. Мажмуанинг салобатидан қандайдир руҳий мадад олгандай бўлдим. Шу ерда туриб мактабдаги устозимнинг бой тарихимиз хусусида айтган сўзлари ёдимга тушди. Кўрганларимнинг барчасини устозимга айтиб бераман.*

*— Биз Фарғонага етиб келгунча анча йўлни босиб ўтдик. Ҳаётимизда илк бора узоқ сафарга чиққанлигимиз боис, кўплаб тарихий жойлардан ўтдик, — дейди Бухоро шаҳри 37-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Рўзаева. — Мен уларни ва Фарғонада бўлиб ўтган барча эсда қоларли тадбирларни дафтарчамга ёзиб олдим. Фарғонада нафақат спорт соҳасида беллашдик, балки кўплаб дўстлар орттирдик, янги-янги жойларни кўрдик. Буюк бобокалонимиз Ал-Фарғоний ҳақида илгари жуда кам маълумотга эга эдик. Бу борада ўз билимимизни кенгайтириб олдик, деб ўйлайман.*

## ФАРҒОНАЛИКЛАРГА ХОС МЕЗБОНЛИК

**"Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари якунланди. Спортнинг 11 тури бўйича энг кучлилар ғолибликни қўлга киритдилар.**

**Спорт мусобақалари қай даражада ўтганлиги билан қизиқиб Республика Халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаевга мурожаат этдик:**

**— Аввало, Фарғонада мусобақалар ўтказиш учун жуда катта тайёргарлик кўрилганлигини таъкидламоқчиман. Спортнинг барча турлари бўйича ўтказиладиган жой ва майдонлар юқори даражада тайёрланган. Қатнашчилар учун барча шароит яратилган. Шинам ётоқхоналар, мазали ва тўйимли овқатлар тайёрлаб берган ошхоналар, транспорт воситалари мусобақа қатнашчиларига беминнат хизмат кўрсатди. Яна шуниси эътиборлики, мусобақа қатнашчиларининг эришган ютуғи, ҳатто туғилган кунлари ҳам ҳомийлар томонидан нишонланиши, фарғоналикларга хос меҳмоннавозлик мусобақа руҳига руҳ қўшди. Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона бўлими ташаббуси билан ташкил этилган "Умид ниҳоллари" боғи ҳам улкан шодиёналар гувоҳи бўлди.**

**Спортнинг барча турлари бўйича умумий ҳисобда ғолиб бўлган жамоаларга бош соврин — Президентимизнинг табрик хати ва "Дамас" автомобили, 2-ўринга "Дамас" ҳамда 3-ўрин соҳибларига компьютерлаштирилган кичик босмахона топширилиши, ушбу мусобақалар обрўсини янада кўтарди.**

**Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ**

## ФАРҒОНА ЯНА ҲАМ ОБОД БЎЛДИ

*КТМДга уйғун равишда, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиршга, оммавий спортни янада жонлантиришга, республикамиз спорт захираларини тўлдириб боришга хизмат қилувчи истиқболли жисмоний тарбия ва спорт тизими яратилди. Мазкур тизимнинг моҳияти, фойдали жиҳатлари ва долзарб вазифалари ҳақида республикамизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларида кўп ва хўб гаплар айтилди. Унинг шу соҳани ривожлантиришда пойдевор бўладиган биринчи ва асосий бўғини, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари Фарғонада муваффақиятли ўтказилди.*

*"Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ниҳоятда уюшқоқлик билан, қизиқарли, баҳсларга бой, байрамона руҳда ўтди. Буни бутун Ўзбекистон халқи, қўшни давлатлар аҳолиси бир ҳафта давомида тўлиқ кузатиб борди. Маҳаллалар ва мактаблардаги митти ўйингоҳлардан катта спорт майдонларигача чиқиб бориб, ўз тажриба ва маҳоратларини Олимпия ўйинлари талаблари даражасида намойиш қила олган қизлару ўсмирларга фақат тасаннолар айтгинг келади. "Умид ниҳоллари" спорт байрами нафақат мусобақа, балки халқбоп томоша, сайил, ўғил-қизларимизнинг камолотини таъминлашда, мамлакатимиз спорт захираларини тўлдириб боришда муҳим қадам бўлди.*

*Мусобақаларнинг якуний босқичида икки минг нафарга яқин ўқувчи иштирок этди. Уларга кўрсатган натижаларига қараб 600 та махсус диплом, 200 та олтин, 200 та кумуш ва яна шунча миқдорда бронза медаллари берилди. Ғолиб жамоалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.*



*Энди "Умид ниҳоллари" мусобақаларида ғолибликни қўлга киритганлар орасидан спортчи ўқувчилар терма жамоаси саралаб олинади. Улар шу йилнинг июнь ойида Москва шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар. 2008 йили Пекинда ташкил этиладиган олимпиадада республикамиздан қатнашадиган спортчи вакиллар орасида мана шу ўқувчиларнинг ҳам иштирок этиши турган гап.*

*Ўқувчилар спортини кузатган киши бугуннинг ўзидаёқ анчагина муваффақиятларни кўра олади. "Умид ниҳоллари" мусобақаларида сузиш спорти бўйича тошкентлик Диана Хайруллина, Мария Григорьева, навоийлик Сергей Анишченко, Ренат Имемиков тўрттадан олтин медални қўлга киритишди.*

*Сергей Анишченко ҳозир 9-синфда ўқийди. Сузиш бўйича мамлакатимиздаги энг ёш спорт устаси. Сузишнинг барча туридан Ўзбекистон чемпиони. Яқинда Германияда ўтказилган халқаро мусобақаларда совринли ўринни ҳам эгаллади. Шунингдек, Мария Бугакова, Юлия Жудро, Никита Поляков ҳам ҳали ўқувчи бўлишига қарамай, бир неча бор халқаро мусобақаларда қатнашиб, республикамиз шарафини ҳимоя қилишга улгиришди.*

*Шахматчилар орасидан ҳам ўқувчи спортчилар — тошкентлик Антон Филлипов, жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова, Тошкент вилоятидан Абдуаҳад Қўчқоров, самар-қандлик Насиба Насриева, қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева қабилар ҳам ёшлар ўртасида ташкил этилаётган жаҳон биринчиликларида бир неча бор иштирок этишган. Бундай фавқулодда қобилиятли, истеъдодли ёшларни спортнинг кўпгина турлари бўйича учратиш мумкин. Улардан келажакда халқаро майдонларда ўзини кўрсата оладиган спорт юлдузлари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.*

*Мусобақалар баҳонасида Фарғонанинг чиройи янада очилиб кетди. 18 йилдан буён таъмирланмай ётган марказий "Нефтчи" ўйингоҳи қайта қурилди. Вилоятдаги 15 та спорт иншооти жаҳон андозаларига мосланди. "Нефтчи" спорт мажмуасидаги 10 та йўлакли, узунлиги 50 метр келадиган сув ҳавзаси дунёга машҳур сузишга мўлжалланган иншоотлардан кам эмас. Меҳмонлар жойлашган ётоқлар, хиёбонлар таъмирланди. Маҳаллалар, катта йўллар, автобекат ва темир йўл шоҳбекатлари янада ободонлаштирилди.*

**Аваз ХАЙДАРОВ**

## ВАТАН БАЙРОҒИ БИРЛАШТИРГАН ШИДДАТЛИ ТЎЛҚИН




Яхши ният — юксак мақсад сари ташланган муҳим қадамдир. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчилари ҳам ҳар бир янги кунни эзгу ният — Ватанимизнинг муқаддас рамзларига ҳурмат бажо келтириш билан бошладилар. Мусобақалар тонгида иштирокчилар фикри билан танишдик.

**Равшан РЎЗИЕВ, Термиз шаҳаридаги 15-мактаб ўқувчиси:**

*— Биз бугунги кунни ҳам Ватанимиз мадҳиясига жўр бўлиб, Ўзбекистон байроғини кўтариш билан бошладик. Мен бунда жуда катта рамзий маъно кўрдим, ниҳоятда таъсирландим. Биз, ёшлар насиб этса, ҳамиша Ўзбекистон байроғини ана шундай ҳамжиҳатлик ила бирлашиб баланд кўтариб яшаймиз. Нафақат спортда, балки билимимиз, иқтидоримиз, интилишимиз билан ҳар доим Ватанимиз ривожига ҳисса қўшишга интиламиз. Ҳар бир соҳада дўст бўлиб ғолибликка, юксак чўққиларга интиламиз.*

**Жобир МИРЗАЕВ, Шаҳрисабз туманидаги 12-мактаб ўқувчиси:**

*— Мусобақаларнинг очилиш маросимида майдонда минглаб тенгдошларимиз шиддатли бир тўлқин янглиғ Ўзбекистонимизнинг байроғи остига жам бўлишди. Ҳақиқатан ҳам биз Ўзбекистон ёшлари — Ватанимизнинг истиқболи учун ёниб яшайдиган қудратли ва умидли тўлқинмиз. Ана шу тўлқин бир мақсад йўлида бирлашса, юртимиз илм-фани тараққиёти, мамлакат ободлиги, унинг салоҳиятига қудрат бахш этувчи катта кучга айланади.*

Ҳа, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг очилиш маросимидаги ўсиб келаётган ёшларни озод Ватанимиз байроғи остида жам бўлиб, буюк мақсад сари интилишга чорлаган эзгу даъват бугун нафақат мусобақа иштирокчилари, балки "Умид ниҳоллари" ўйинлари очилишини томоша қилган миллионлаб ёшларимиз юрагида ҳам акс-садо берди.

## МУСОБАҚАЛАР ИНТЕРНЕТ ТИЗИМИДА

Бугун ҳар бир киши дунёнинг турли мамлакатларида содир бўлаётган хилма-хил воқеа-ҳодисалардан тезкор равишда бохабар бўлиши мумкин. Айни ана шундай имкониятни таъминловчи энг замонавий восита бу интернет тизимидир. Интернет орқали бир вилоятда ёки бир мамлакатда бўлаётган воқеа-ҳодисалар тафсилотини бир вақтнинг ўзида жаҳоннинг барча мамлакатларига узатиш мумкин. Фарғонада ғоят кўтаринки руҳда ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ёритиш, жаҳоннинг турли давлатларидаги мутахассислар, ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан фикр алмашиш, уларни қизиқтирган саволларга тезкор равишда жавоб йўллаш, шу орқали дунё таълим тизимида ўзига хос янгилик бўлган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари мазмун-моҳиятини кенг ва атрофлича ёритиш мақсадида мазкур мусобақа матбуот марказида янги сайт яратилди.

**Зокир ПАЗИЛОВ, Фарғона шаҳридаги ахборот таҳлил маркази директор ўринбосари:**

*— WWW.UMID.JAC.UZ дея номланган "Умид ниҳоллари" сайтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур мусобақа қатнашчиларига йўллаган табриги, мамлакатимизда яратилган "Универсиада", "Баркамол авлод", "Умид ниҳоллари"дан иборат 3 бўғинли узлуксиз спорт тизими мазмун-моҳияти, назарий асослари, мусобақаларни ўтказиш ташкилий қўмитаси, матбуот маркази манзили, фаолияти, ҳакамлар ҳайъати каби муҳим маълумотлар ўрин олган. Шу билан бирга футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, қўл тўпи, теннис, стол тенниси, шахмат, сузиш, миллий кураш ва белбоғли кураш, жами 11 тур бўйича мусобақаларнинг кунлик натижалари акс эттирилган. Шунингдек, қизиқувчилар мусобақанинг очилиш маросимидаги ва ўйинлар жараёнидаги қизиқарли суратлар, унинг ташкилотчилари, ҳар бир тур бўйича берилажак I, II, III даражали дипломлар ва олтин, кумуш, бронза медаллари намуналари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари спорт турлари бўйича ғолиб деб топилган ўқувчи-ёшлар тўғрисида қисқа ва лўнда маълумотлар ҳамда уларнинг суратлари, шунингдек, мусобақаларнинг бош мезони ҳисобланган адолатни таъминловчи ҳакамлар фикрлари, матбуотда чоп этилаётган "Умид ниҳоллари" тўғрисидаги энг яхши мақолалар ҳам WWW.UMID.JAC.UZ сайтидан ўрин олган. Яна бир бор эслатиб ўтамиз, "Умид ниҳоллари" мусобақаси моҳияти, Фарғонадаги қизғин беллашувлар, турли маданий-маърифий тадбирлар, "Умид ниҳоллари" кашф этган янги умидли спорт юлдузлари, билим ва маҳоратда, жисмоний етуклик тенгдошларига ибрат бўлаётган ўқувчи-ёшлар билан яқинроқ танишай десангиз, интернетдаги мазкур сайтга киришингиз ва жуда қисқа вақт ичида ўзингизни қизиқтирган маълумотларни олишингиз мумкин.*



## ДЎСТЛИК МАКТАБИ

Мусобақалар жараёни ўқувчилар учун ўзаро танишиш, дўслашиш, фикр алмашиш даври бўлди десак, янглишмаган бўламиз.

**Света КАРИМОВА, Боғот туманидаги 8-мактаб ўқувчиси:**

*— Мен "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларини дўстлик мактаби, деб атагим келди. Бир хонада, бир оила фарзандидай яшаган дўстлар ўзаро куч синашдик, беллашдик. Мусобақада биримиз ютқаздик, иккинчимиз ютдик, лекин биз бир-биримиздан хафа бўлганимиз йўқ. Мен келгусида, албатта, спорт билан янада кўпроқ шуғулланиб, маҳоратимни ошираман. Турли вилоятлардан келган турли миллатга мансуб биз ёшларни бир умрга дўстлаштирган, "Умид ниҳоллари"га раҳмат.*

**Жаҳонгир МАШАРИПОВ, Хоразм вилоятидаги 18-мактаб ўқувчиси:**

— Тўғрисини айтсам, мен илгарилари спортнинг бирор тури билан мунтазам шуғулланмаганман. "Умид ниҳоллари" сабаб мен ўзимга спортнинг теннис турини дўст деб танладим. Қисқа вақт ичида, тўғрироғи, ярим йил ичида мактабда, теннис билан мунтазам шуғулландим. Мактабдаги спорт тўгарагига қатнашдим. Эндиликда теннис менинг доимий ҳамроҳимга айланди. Мен келажакда иқтисодчи бўлмоқчиман. Аммо, ким бўлишимдан қатъи назар, энди бу спорт тури билан доим шуғулланаман.

# ТАНИШИНГ: 11 ТУРНИНГ ЧЕМПИОНЛАРИ

## БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

Белбоғли курашнинг халқаро спорт турига айланиб, жаҳон миқёсида унга қизиқишнинг ортиб бораётганлиги бежиз эмас. Курашда олишувларнинг қизиқарли ҳамда ғирромликларсиз ўтиши ҳатто томошабинларни ҳам жонлантириб юборади. "Умид ниҳоллари"даги 11 та спорт туридан бири белбоғли кураш бўлиши аввалдан тайин эди. Чунки курашга қизиқадиган ва астойдил шуғулланадиган, қолаверса нуфузли гиламларда муваффақиятли иштирок этган мактаб ўқувчилари кўплаб топилади.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг белбоғли кураш бўйича финал ғолибларини аниқлашда юртимизда энг кўзга кўринган полвонлар ҳакамлик қилишди. Бу йўналиш беллашувлари елкаси ерга тегишни истамаган ёш полвонларнинг тинимсиз олишувлари билан жуда қизиқарли ўтди.



Турли хил вазнларда гиламда ўзини кўрсата олганларнинг қувончлари чексиз бўлди. Айниқса, вилоятлар шаъни ҳимоя қилинадиган бундай пайтда курашчиларнинг бир кучига ўн куч қўшилганини кузатса бўлади. Шундайлардан 50 кг вазндагилар ичида ғолиб фарғоналик Соҳибжон Ортиқовни, 60 кг. вазнлиларни доғда қолдирган наманганлик Рустам Умаровни ва 71 кг. ли вазндагилар устидан устунликка эришган сирдарёлик Асил Эгамбердиевларни айтиш мумкин. Яна 55 кг. ли вазндаги ғолиб Музаффар Сойиббоев, 65 кг. ли вазндаги Жаҳонгир Абдулҳаевларнинг эпчил ҳаракатли жанглари таҳсинга лойиқ. Оғир вазндаги тенгдошларини ўзларига бас келишларига йўл қўймаган сирдарёлик Султонали Турдалиев ва фарғоналик Шерзод Маҳмудовлар ҳам юқорида санаб ўтганларимиз каби биринчи поғонани забт этган полвонлардир.

## ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

**Қиргули туманидаги "Нефтчи" спорт мажмуасининг ўйингоҳида ўсмирлар ва қизлар енгил атлетиканинг турли масофаларга югуриш, ядро улоқтириш, узунликка сакраш ҳамда эстафетали югуриш турлари бўйича қизғин баҳс олиб бордилар. Аввало бу борада спортчилардан тезкорлик, чаққонлик ва куч-ғайрат талаб этилади. Шу куни мусобақа қатнашчиларининг кўпчилиги ана шу сифатларга эга эканликларини ажойиб тарзда намойиш қилдилар. Катта ўйингоҳ томошабинлар, мухлислар билан лиқ тўлди. У ердаги олқишлар, гулдурос қарсаклар, ўз жамоаларига ён босиш, спортчилар томонидан маррани ғолибликда забт этиш футбол майдонидаги гол ҳолатини эслатди.**

**Спортнинг бу тури бўйича Тошкент шаҳри вакиллари жами 13 очко жамғариб, биринчиликни қўлга киритдилар. Иккинчи ўринга 11 очко тўплаб фарғоналиклар, учинчи ўринга Тошкент вилоятидан келган меҳмонлар (10 очко) эришдилар.**

**Енгил атлетика мусобақаларининг юксак савияда ўтганлигини унинг иштирокчиларидан ҳам билса бўлади. "Умид ниҳоллари" спорт байрами баҳонасида кўпчилик кишилар ўқувчилар орасида ҳам халқаро майдонларда куч синашаётган, республика миқёсида ўз тенгқурларининг етакчисига айланган моҳир ўқувчилар борлигини билиб олдилар. Жумладан,Жадра Ходжакова, Карима Рометова енгил атлетика бўйича ўқувчилар орасида республика ғолиби, андижонлик Ирина Мороз, Вероника Қирғизбоевалар эса Дублинда ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишди. Вадим Артёмов эса 2001 йили ташкил этилган "Олимпиада умидлари" спорт ўйинларида 200 метрга югуриш бўйича жуда юқори натижа кўрсатиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Чемпионлардан Руслан Измайлов, Годно Беглорян, Зарена Мамедова... Бу исмларни яна кўплаб давом эттириш мумкин. Мана шу ўқувчиларнинг аксарияти аллақачон республика терма жамоаси таркибига қўшилганлар.**



**Ўз навбатида "Умид ниҳоллари" мусобақалари яна кўплаб янги номларни кашф этди. Улар келажакда, албатта, "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинларида иштирок этадилар ҳамда халқаро мусобақаларда Ўзбекистон номини, шону шуҳратини дунёларга ёйдилар.**

## ВОЛЕЙБОЛ



*Спортнинг бу тури бўйича мусобақалар Марғилондаги касб-ҳунар коллежи ва спорт мактабида олиб борилди. Ҳар бир ўйинга келган томошабинлар ва мухлислар жуда кўпчиликни ташкил этди. Ана шу далилнинг ўзиёқ бизда волейбол ишқибозларининг кўплигини, спортнинг мазкур тури анчагина ривожланганини ҳам англатади.*

*Ҳар қандай беллашувда албатта ғолиб ва мағлублар аниқланади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, ўсмирлар ўртасида фарғоналиклар биринчи, тошкентликлар иккинчи ва самарқандликлар учинчи ўринга кўтарилдилар.*

*Тошкентлик баланд бўйли, моҳир волейболчи қизлар ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатиб қўйдилар. Улар ўзларига рўбарў келган рақиб жамоаларни осонгина енгиб, доғда қолдиравердилар. Тошкентликларга бас келадиган муносиб рақиб топилмади.*

*Наманганлик фақат ўзбек миллати вакилларидан ташкил топган волейболчилар ҳам кутилмаганда ажойиб ўйинлар кўрсатиб, томошабинларнинг олқишларига, илиқ эҳтиромларига сазовор бўлдилар.*

*Жамоа аъзолари Наманганнинг Янгиқўрғон туманидаги Қирғизистонга чегарадош Искавот қишлоғидан келишган. Қишлоқдан мана шундай уста волейболчилар чиққани, албатта, кўпчиликни ҳайратга солди. Бинобарин, Искавотда волейбол мактаби бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатади. Спорт мактабига моҳир мураббий Исмоилжон Асадов 32 йилдан бўён етакчилик қилади. Мана шу қоракўз, қишлоқ аҳлига хос истарали қизларнинг спорт ўйинини юқори савияга кўтара олган устозларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, тажрибаларини оммалаштириш керак.*

*Яқинда Республикамизда Конституциясининг санасига бағишлаб волейбол бўйича қўшни мамлакатларнинг ўқувчилари орасида халқаро мусобақа ўтказилган эди. Унда ҳам мана шу соддагина искавотлик қизлар Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.*

## БАСКЕТБОЛ

*Ғалвирни сувдан кўтариш вақти етиб келганида, ҳамма унга нима илинар экан, деб кўз тикади. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" мусобақасининг ҳам, ғалвири сувдан кўтарилди, унда кимдир ғолиб кимлардир мағлуб бўлди. Энг асосийси, ҳамма жамоалар ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этди.*



*Хусусан, баскетбол мусобақаси ҳам муросасиз баҳслар билан давом этди. Қиргули туманидаги "Кимёгар" спорт мажмуасида ўсмирлар ўртасида мусобақа якунланди.*

*Финал босқичида пойтахтлик ва андижонлик ўқувчилар куч синашди. Унда тошкентликларнинг устунлиги яққол кўзга ташланди. Жами 13 очко тўплаган пойтахт вакиллари финалда ғолиб бўлиб, совринли ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин 11 очко тўплаган Андижон жамоасига насиб этди. 3-ўринни 10 очко билан наманганликлар забт этишди.*

*Қизлар ўртасида ўтган мусобақа бундан-да шукуҳли ўтди десак, муболаға бўлмайди. Мусобақанинг илк кунларидан ўйин изчиллигини қўлга олган пойтахтлик қизлар ҳам ўсмир жамоадошлари каби 1-ўринни забт этдилар.*

*Фарғона саноат касб-ҳунар коллежида ўтган мусобақалар финал босқичида мезбонлар билан куч синашди. Мезбонларни ортда қолдирган пойтахтлик қизлар 13 очко тўплаб биринчи ўринни эгаллашди. 11 очко билан фарғоналиклар иккинчи, 10 очко билан андижонлик қизларга учинчи ўрин насиб этди.*

*Дарҳақиқат, мусобақани четдан кузатган киши ҳамма иштирокчиларнинг мусобақага жиддий тайёргарлик кўргани гувоҳи бўлди. Айрим жамоалар яхши натижа кўрсатишган бўлса-да, бунинг унчалик таъсири сезилмади. Энг асосийси, кучлилар сараланиб олинди.*

## ШАХМАТ

Фарғона шаҳрининг "Шодлик" гимназиясида спортчи ўқувчилар — шахмат бўйича ўзаро мусобақалашдилар. Бинобарин, бу ерга турли вилоятлардан кўпгина ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам келишган эди. Улар ўз фарзандларининг ҳар бир ўйини тугагунга қадар юрак ҳовучлаб туришди, яна кимлардир кузатувчилар учун ажратилган хонада ҳаяжонини яширолмай у ёқдан бу ёққа бориб келаверди.

Мусобақалар натижаларига кўра умум жамоа ҳисобда пойтахтлик спортчи-ўқувчилар 13 очко жамғариб, ғолиблик шоҳсупасини ишғол этдилар. Тошкент вилояти вакиллари иккинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Улар жамғарган очколар 11 ни ташкил этди. Мезбон жамоа — фарғоналик шоҳмот усталарига жами 10 очко жамғарганлари боис учинчи ўрин насиб этди.

Айниқса, тошкентлик спорт устаси, ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги иштирокчиси Антон Филиппов, жиззахлик уч карра республика чемпиони, халқаро мусобақалар қатнашчиси, спорт усталигига номзод Юлдуз Ҳамроқулова, Тошкент вилоятидан келган ўқувчи, ўз тенгқурлари орасида республика чемпиони Абдуаҳад Қўчқоров, самарқандлик халқаро турнирлар совриндори Насиба Насриева, Қашқадарёлик Осиё турнирлари майдонларида куч синашган



Сарвиноз Эргашева жуда чиройли ўйин кўрсатишди.

## СУЗИШ

*Спортнинг сузиш тури бўйича мусобақалар Қиргули туманидаги "Нефтчи" спорт мажмуасининг очиқ сув ҳавзасида олиб борилди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур сув ҳавзаси қурилиши, дизайни, жиҳозланиши жиҳатидан жаҳон андозаларига мос келади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам сувлар иситилади. Мусобақа давомида ҳаво ҳарорати бирмунча пасайди. Аммо спортчи ўқувчилар, аввало, яратилган қулай шароитлар туфайли ҳеч қандай муаммога дуч келишмади.*

*Сузишнинг барча тури бўйича Тошкент шаҳри жамоаси вакиллари нисбатан энг яхши кўрсаткичга эришдилар.*

*Қизлар ўртасида ўтказилган финал мусобақаларида тошкентлик Юлия Жудра (1-ўрин) Брасс усулида 50 метрга 37 секундда, навоийлик Альбина Валиева (2-ўрин) 40,8 секундда, фарғоналик Оксана Порубай (3-ўрин) 41,2 секундда сузиб ўтди.*

*100 метрга эркин сузишда наманганлик Ольга Копергина (1-ўрин) 1,05,2, тошкентлик Анна Шоглова (2-ўрин) 1,09,1, андижонлик Юлия Красавина (3-ўрин) 1,09,1 натижа кўрсатдилар. 200 метргача чалқанча сузиш борасида тошкентлик Юлия Жудро — 2,41,2, фарғоналик Инга Қосимова — 3,12,4, қашқадарёлик Лилия Муҳаммедова — 3,15,2 натижа кўрсатиб, учала ўринда ғолиб бўлишди.*

*Ўсмирлар ўртасида тошкентлик Темур Ботиров 50 метрга брасс усулида 33 секундда сузиб ўтиб, биринчи ўринни эгаллади. Наманганлик Иззат Ажигилдиев (34 секунд) ва тошкентлик Александр Жудро (34,1) иккинчи ва учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.*



*100 метрга брасс усулида сузиш бўйича навоийлик Сергей Анашченко 56,7 секунд натижа кўрсатиб ғолиб бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар навоийлик Алексей Украинцев (1,01,3) ҳамда тошкентлик Игнат Ковалга (1,01,7) насиб этди.*

*200 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича тошкентлик Никита Поляков биринчиликни (2,27,5 натижа), яна тошкентлик Александр Аземкин иккинчиликни (2,28,5), наманганлик Олег Шпаков учинчиликни (2,35,4) эгаллади.*

*Умумжамоа ҳисобида тошкентлик спортчи ўқувчилар жами 13 очко тўплаб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдилар. Иккинчи ўрин навоийликларга (11 очко), учинчи ўрин фарғоналикларга (10 очко) насиб этди.*

## ҚЎЛ ТЎПИ



"Кимёгар" спорт мажмуасида спортчи ўқувчилар қўл тўпи бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Дастлаб андижонликлар мусобақаларда Қашқадарё, Навоий, Самарқанд жамоаларини мағлубиятга учратиб, пешқадамлик қилаётган эдилар. Ўйинлар охирлаётган пайтда улар нимагадир бошқа жамоаларга имкониятни бой бера бошладилар. Афсуски, мутахассисларнинг андижонликлар ҳақида қилган башоратлари ўзини оқламади.

Хуллас, ўйин натижаларига кўра фарғоналик ўсмирлар 13 очко жамғариб, биринчи ўрин соҳиби бўлдилар. Тошкент шаҳридан келган меҳмон ўқувчиларга иккинчи ўрин (11 очко) ва Тошкент вилояти жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Қизлар ўртасидаги қўл тўпи мусобақаларида тошкентликлар 13, Тошкент вилояти вакиллари 11, фарғоналиклар 10 очко олдилар.

## ТЕННИС

Спортнинг жаҳон бўйича тез ривожланаётган ушбу тури бўйича ҳам мусобақалар баҳсларга бой, ҳаяжонли ва кўтаринки руҳда ўтди. Тошкентлик, фарғоналик, наманганлик спортчи ўқувчилар мусобақаларнинг дастлабки куниданоқ пешқадамликни қўлга олдилар. Спорт мутахассислари ўқувчилар ўйинини кузатиш жараёнида шу учала жамоанинг биринчилик учун кураш олиб боришлари финал мусобақалари ниҳоятда муросасиз ўтиши ҳақида ўзаро гаппиришган эдилар. Мутахассисларнинг башоратлари тўғри чиқди. Ўйин якунига кўра тошкентликлар ва фарғоналиклар финал учрашувларини ўтказдилар.



Натижада Тошкент шаҳри жамоаси умумий ҳисобда 134 очко жамғариб биринчи, фарғоналик ўсмир ва қизлар жамоаси (126 очко) иккинчи ўринни эгалладилар. Ғолибларга мусобақа майдонининг ўзида олтин, кумуш, бронза медаллари, диплом ва совғалар топширилди. Учинчи ўрин эса наманганликларга насиб этди.

## СТОЛ ТЕННИСИ

*Стол тенниси ўйинлари барча мусобақалар орасида қизиқарлироқ, ҳайратланарлироқ ўтди. Ўқувчи спортчилар ғалабага эришиш учун барча маҳоратларини ишга солдилар. Жажжи қизалоқлар, эпчил ўсмирларнинг ракетка билан моҳирона ишлашлар, севинч ва армон кўз ёшларини кўриб, ҳар қандай кишининг завқли яширин туйғулари жунбушга келиши турган гап. Айниқса, наманганлик Наргиза Холматова ҳамда бухоролик Зуҳра Қосимованинг қўллаган янгича усуллари, тезкорлик ва шиддатли ҳаракатлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Улар жаҳон андозалари даражасида ўйин кўрсатдилар. Мусобақада Наргизанинг қўли баланд келди. Шунингдек, тошкентлик республика чемпиони Зуҳра Қосимова ҳам стол тенниси бўйича яхши натижаларга эришди. Уларни бу йил мамлакат терма жамоасига қабул қилиш режалаштириляпти.*

*Стол тенниси мусобақаларида Тошкент вилояти жамоаси биринчи, пойтахтликлар иккинчи ва наманганликлар учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.*

*Ўйинлар бошланишиданоқ мухлислар Наманган жамоасини биринчиликка эришиши ҳақида башорат қилишган эди. Чунки вилоятнинг Чуст туманида республикага машҳур стол тенниси*



*мактаби бор. Унга 30 йиллик фаолиятга эга Тошпўлат Азимов етакчилик қилади. Мураббийнинг айтишича, Чуст—Наманганнинг теннис ядроси ҳисобланади. Масалан, мазкур мактабдан учирма қилинган жаҳон чемпиони Севара Қодирова ҳозир муҳандислик институтида таҳсил олиб, бўлғуси "Универсиада"да иштирок этиш учун тайёрланяпти. Яна бир спортчи қиз — Мадина Аюбова Италияга ёшлар орасида жаҳон биринчилиги учун мусобақалашгани жўнаб кетди.*

## "МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ" ҒОЛИБЛАРИ

"Майдон текис, тўп юмалоқ" деб бежизга айтилмаган экан. Чунки "Умид ниҳоллари" мусобақасида ҳам бу нарса ўз исботини кўрсатгандай бўлди. Сабаби. Фарғона тумани Марказий ўйингоҳида Фарғона ва Тошкент шаҳри жамоалари финал босқичида куч синашганда кучли ҳисоблар қайд этилди. Ҳисоб 1:1. 90 минут ичида ғолиб жамоа аниқланмагач, пенальти тўплари белгиланди. Бунда Тошкент жамоаси 11-рақамли ўйинчиси 11 метрлик нуқтадан тўпни дарвозадан кирита олмади, шунда бутун ўйингоҳ ларзага келди... Фарғоналик футболчилар бешала тўпни ҳам бехато дарвоза тўпига йўллади, натижада Фарғона жамоаси 5-тўпни тўрга йўллаганда ўйингоҳдаги ишқибозлар футболчиларни табриклаш учун майдонга тушиб кетишди. Ўша пайтда ўйингоҳдаги ҳолатни сўз билан тасвирлаш қийин эди... Фарғоналик футболчилар хурсандчилигидан кўз ёшларини тия олмадилар. Ишқибозлар мураббий



ва футболчиларни даст кўтариб ўйингоҳда айланиб чиқдилар. Ишқибозларнинг қийқириғи, хурсандчилиги боис ташкилотчилар тақдирлаш маросимини бир оз кейинроқ бошлашди. Энг қизиғи маҳаллий ишқибозлар футболчиларга тўн ва дўппи кийдиргани бўлди. Шундай қилиб олтин медаллар Фарғоналикларга, кумуш Тошкент шаҳрига, бронза эса Наманган ва Сурхондарё жамоаларига насиб қилди. Футбол бўйича мезбонлар ғолибликни сақлаб қолган бўлса, пойтахтликлар II ўрин, Наманган жамоаси III ўринни эгаллашди.

Бу мусобақаларда анчагина ёш футболчилар кашф қилинди.



## УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

*Маълумки ҳар бир инсоннинг ҳаётида унутилмас воқеалар бўлади. Мазкур мусобақалар давомида ёш спортчиларнинг таваллуд топган кунлари ҳам эътиборсиз қолмади.*

**Алфия РАИМОВА, Чирчиқ шаҳридаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:**

*— Мен бугун 16 ёшга тўлдим. Ҳар гал бу кун билан мени энг яқин дўстларим, ота-онам табриклашарди. Бу гал мен туғилган кунимни "Умид ниҳоллари" кунлари давомида янгидан орттирган дўстларим даврасида нишонладим десам, янглишмаган бўламан. Бу менинг ҳаётимда энг азиз, бир умрга унутилмас воқеа бўлиб қолса керак.*

**Зафар ТЎРАЕВ, Нукус шаҳридаги 19-мактаб ўқувчиси:**

*— Мен ҳам таваллуд кунимни Фарғонада нишонлаганимдан беҳад хурсандман. Мени сирдарёлик, тошкентлик, хоразмлик дўстларим табриклашди. Аслида бизнинг бир-биримиз билан дўстлашувимиз бундан бироз илгари бошланган. Нукусдан чиққан биз қорақалпоғистонлик ёшларни хоразмлик тенгдошларимиз тантанали равишда кутиб олишди. Ўз навбатида бизга бошқа вилоят вакиллари ҳам қўшилишди. Шу боисдан ҳам Фарғонадаги дастлабки мулоқотларимизда ҳеч бир бегонасираш, тортиниш ҳолатлари бўлмади.*

## ОРАЛИҚ ТАДБИРЛАР

*Мусобақа иштирокчиларининг катта гуруҳи "Умид ниҳоллари" боғига бориб, эсдалик сифатида кўчатлар ўтказишди. Фарғона вилояти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашининг раиси Ғуломқодир Мамажонов спортчи ўқувчилар, бу ерда ҳозир бўлган расмий кишилар ва бошқа меҳмонларга боғнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берди. Ўқувчилар шу куни Марғилондаги Аҳмад ал-Фарғоний зиёратгоҳига бориб, қадимий услубда қурилган қалъани, Марғилон, Қиргули тумани ва Фарғона шаҳри марказида мустақиллик йиллари бунёд этилган янги иншоотларни, хиёбонларни томоша қилдилар. Ўтказилган шу каби томошалар, сайру саёҳатлар ўқувчиларда она юртимизга, миллий қадриятларимизга муҳаббат руҳини тарбиялайди ҳамда уларда мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишига, Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканлигига ишончини янада мустаҳкамлайди.*

*Спортчилар истиқомат қиладиган жойларда турли мавзуларда суҳбатлар, эстрада хонандалари ижросида концертлар, интеллектуал ўйинлар ташкил этилди. Ўсмирлар ва қизлар бўш вақтларида мириқиб дам олдилар.*

*Мусобақаларнинг энг ёш иштирокчилари ҳам ҳомийлар томонидан тақдирландилар. Кузатишимизча, спорт ўйинлари охирига қадар ўғил-қизлар ва меҳмон мураббийлар, ҳакамлар, аввало, мусобақада эришган натижаларига кўра, шунингдек, бошқа сабаблар боис ҳам кўп бора тақдирландилар. Мусобақада совға олмаган бирор иштирокчи қолмади. Бу "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларини мазмунан янада бойитди, одамларнинг кайфияти, руҳиятини байрамга монанд равишда кўтарди.*

*Ёшларнинг Марғилондаги маҳалла кексалари билан бўлиб ўтган учрашувлари ҳам ўзига хос тарзда ўтди. Бу йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган. Кекса отахонлар, нуронийларга билдирилаётган ғамхўрликлар учун ҳукуматимиздан миннатдор эканликларини билдирдилар ҳамда ўғил-қизларга спортда, ўқишда омадлар тилашди.*

*"Умид ниҳоллари" штабида ҳам навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда ҳозир бўлган республика Олимпия қўмитаси, халқ таълими вазирлиги, республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси вакиллари "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг моҳияти, унинг истиқболлари ҳақида фикр билдирдилар ҳамда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.*



*Спорт ўйинлари ўтказилаётган кунларда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги кўплаб таълим муассасаларида ҳам "Умид ниҳоллари" тадбирларига ҳамоҳанг равишда спортнинг волейбол ва футбол турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Шу каби оралиқ тадбирлар ўқувчиларнинг спорт байрамини мазмунан янада бойитди.*

## МУХЛИСЛАР НИГОҲИ

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари давомида Фарғона нафақат спортчиларга, балки мухлисларга ҳам тўлиб кетди. Спорт майдонлари турли вилоятлардан ташриф буюрган меҳмонлар, кўпроқ фарғоналиклар — ёшу кексалар, ота-оналар ўзларининг фарзандлари, яқин кишилари ҳамда жамоаларига маънавий мадад бериш учун тўпланган томошабинлар билан гавжум бўлди. Олқишлар, гулдирос қарсаклар, ғалабага чорловчи ҳайқириқлар мусобақалар нуфузини янада ошириб, уни чинакам байрамга айлантирди. Қуйида спорт ишқибозлари бўлган айрим мухлисларнинг фикрларини келтирамиз.

**Икромбек СУЛАЙМОНОВ, марғилонлик нафақахўр: — Мусобақалар биз кексалар учун ҳақиқий томоша бўлди. Марғилонлик бир ўғлонимиз кураш бўйича ғолиб чиқди. Чинакам паҳлавон экан, отасига раҳмат.**

**Шундай мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш керак. Баҳонада кўп одамларни кўрдик, шаҳримиз обод бўлиб қолди.**

**Файзулла СУЛАЙМОНОВ, андижонлик иқтисодчи: — Сузиш бўйича жамоамиз бешинчи ўринни эгаллади. Ким билади дейсиз, балки бизда шу спорт тури ривожланмагандир. Мен қўл тўпи, баскетбол, белбоғли кураш, волейбол ўйинларини кузатиб бордим.**

**Жолгасбой ЕМБЕРГАНОВ, Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидан: — Мусобақага қизим Гулсавир Бекмуродовани олиб келгандим. Ҳозир 5-синфда ўқийди. 5 ёшидан шахмат ўйнайди. Унга шахматни ўзим ўргатганман. Ҳозиргача ёшлар орасида 3 марта республика чемпиони бўлди.**

**Қизимнинг келажакда ким бўлишини билмайман, аммо кучли шахматчи сифатида довруғ қозонишга ишонаман. Бунинг учун қўлимдан келадиган ҳамма шароитни яратиб бераман.**

**Нурилло ЙЎЛДОШЕВ, шаҳрихонлик ўқувчи: — Ўзим қўл тўпи спорти билан икки йилдан буён шуғулланаман. Қўлим синиб қолиб, ўйинида қатнаша олмаяпман. Ўртоқларимга ён босгани келгандим. Улар яхши ўйнашди.**

Саҳифа материалларини Нурлан УСМОНОВ, Камолиддин АЛИОХУНОВ, Аваз ҲАЙДАРОВ, Жаҳонгир МУСАЕВ тайёрладилар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

*Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.*

*Уларнинг қуруқ расмиятчилик учунгина ёзилган иш бўлиб қолмаслиги, ҳаётда ўз қадр-қиммати ва ижросини топиши муҳимдир.*



Qonun va fuqaro

# ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

9-мақола

Чет эл инвестициялари билан боғлиқ муносабатлар мамлакатимизда дастлаб 1991 йил 14 июндаги Ўзбекистон Республикаси чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун билан тартибга солинарди. 1994 йилнинг 5 майида мутлақо янги "Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан биринчи қонун ўз кучини йўқотди. 1998 йил 30 апрелдаги Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун қабул қилиниши муносабати билан 1994 йил 5 майдаги қонун ҳам ўз кучини йўқотди. Ва бугунги кунда сўнгги санадаги қонун амалдадир. Биз ана шу ҳақда сўз юритамиз.

Мазкур қонун 22 моддадан иборат бўлиб, 1999 йил 20 августдаги қонуни билан унга битта ўзгартириш ҳам киритилган.

Қонуннинг мақсади унда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беришдир. Вазифаси — чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашиш, чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини татбиқ этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Хўш, чет эл инвестициялари ўзи нима? Чет эллик инвесторлар асосан даромад олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар, шунингдек, интеллектуал мулкка чет давлатлар, уларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, халқаро ташкилотлар, чет эл юридик шахслари (компаниялар, ширкатлар, уюшмалар), чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — чет эллик инвесторлар ҳисобланади.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистонда ўз фаолиятларини қуйидаги шаклларда амалга оширишлари мумкин:

— Ўзбекистонда мавжуд юридик шахсларнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

— тўлиқ ўзларига қарашли ҳолда юридик шахслар (банклар, суғурта тузилмалари, корхоналар каби) ташкил этиш;

— мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар қойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини сотиб олиш орқали, шунингдек, қонунларда тақиқланмаган бошқа шаклларда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда, акцияларининг ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғидаги барча ҳуқуқларни кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодиёт ва фаолиятнинг муайян соҳаларида чет эл инвестициялари учун чеклашлар ёки тақиқ назарда тутилиши мумкин.

Чет эллик инвесторлар инвестиция ҳажми, тури ва йўналишини мустақил белгилаш, шартномалар тузиш, ўз инвестициясига ва инвестиция фаолиятининг натижасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш, давлат бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари натижасида етказилган зарарни ундириш каби бир қатор ҳуқуқларга эга. Шунингдек, чет эллик инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, ҳар қандай чет давлат фуқаролари билан, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан эркин меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эллик инвесторлар, уларнинг вакиллари ва чет эллик ходимлар Ўзбекистон Республикасиниг бутун ҳудудида эркин юриш ҳуқуқига эгадирлар. Айни пайтда инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширганда амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари, шартнома мажбуриятлари бўйича жавоб беришлари лозим. Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этмаганлиги учун умумий асосларда жавобгар бўлади ҳамда ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган, қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Шуни ҳам эслатиш ўринлики, мазкур қонуннинг қоидалари билан Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномаси ўртасида бирон-бир номувофиқлик бўлган ҳолда, чет эллик инвесторлар учун бирмунча қулай бўлган қоидалар устувор кучга эга бўлади.

**Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА**

# НАФИСАНИНГ ЮТУҒИ

Tanlov

**Яқинда Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти бўлими кенгаши ҳамда вилоят "Болалар ташкилоти" ташаббуси билан "Ўзбекистон — азиз Ватаним!" иншолар кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда вилоятдаги таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг туман, шаҳар босқичлари ғолиблари бўлган ўқувчилар иштирок этишди.**

**Қувончлиси, танлов иштирокчилари ўзбек тилига нечоғлик меҳр боғлаганликларини, шу билан бирга ҳам грамматик, ҳам услубий саводхонликларини кўрсата билдилар.**

**Қизғин ва муросасиз беллашувни нуфузли ҳакамлар ҳайъати кузатиб туришди. Уларнинг хулосаларига кўра Фарғона туманидаги 9-ўрта мактаб ўқувчиси Нафиса Алабердиева биринчи ўрин соҳиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Учкўприк туманидаги 28-ўрта мактабнинг 6-"А" синф ўқувчиси Аброр Акмалов ҳамда Марғилон шаҳридаги 6-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Александр Кимларга насиб этди. Ушбу танловни ташкил этишда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлик қилишди.**

**Ф.МАМАДАЛИЕВ**

# ИЗЗАТ-ИКРОМДАН БОШИМИЗ ОСМОНДА

## дейишди Қувайт тарбия ва таълим вазирлиги делегацияси вакиллари

*Аввалги сонларимиздан бирида хабар берганимиздек, бир ҳафта давомида республикамизда Қувайт Давлат тарбия ва олий таълим вазирлиги ходимлари касаба уюшмаси делегацияси меҳмон бўлди. Умумараб таълим, нашр ва ахборот уюшмаси бош котибининг ёрдамчиси, Қувайт тарбия ва олий таълим вазирлиги ходимлари касаба уюшмаси раиси Муфаррах Тохус ал-Утайбий, касаба уюшмаси раисининг ўринбосари Али Абдусаттор Иброҳим Али ар-Румий, касаба уюшмаси Раёсатининг аъзоси Валид Али Ҳасан Иброҳим ал-Қаттонлардан иборат делегация ташрифнинг биринчи кунида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб, юртимизда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари билан танишишди. Тошкент Шарқшунослик институти қошидаги академик лицей талабалари билан учрашишди.*

*Қадимий Самарқанд шаҳрида бўлган меҳмонлар у ердаги тарихий обидаларни зиёрат қилишди, Самарқанд Давлат чет тиллар институти ўқитувчи ва талабалари ҳузурида меҳмонда бўлишди.*

*Ташрифнинг учинчи кунида меҳмонлар Навоий шаҳрида бўлиб, Навоий вилояти касаба уюшмасининг 10 йиллигига бағишланган тадбирда иштирок этишди.*

*Бухоро шаҳридаги 1-ўрта мактаб ҳаёти ҳамда тарихий обидалар билан танишув, шаҳарда бўлиб ўтган, касаба уюшмалари марказий қўмитаси ташкиллаштирган фольклор-этнографик дасталар кўрик-танлови ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.*

*Қувайт делегацияси ўтган шанба куни Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси мажлислар залида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти фаоллари билан учрашдилар. Сафар таассуротларини мароқ билан сўзлаб, ўқитувчи ва мураббийларнинг саволларига жавоб бердилар.*

*Қувайт тарбия ва олий таълим вазирлиги ходимлари касаба уюшмаси ҳақида ушбу уюшманинг раиси Муфаррах Тохус ал-Утайбий жаноблари қуйидагича ҳикоя қилди:*

*—Бизнинг касаба уюшмамиз Олий таълим вазирлигига тегишли. Касаба уюшмаси бошқарувида 11 нафар аъзо меҳнат қилади. Раис тўрт йил муддатга сайланади. Қувайт бир миллиондан зиёдроқ аҳолиси бўлган кичик давлат бўлганлиги сабабли касаба уюшмасининг қуйи тармоғи мавжуд эмас. Ҳар бир вилоятдан биттадан вакил уюшмада ўз вилоятида меҳнат қилаётган ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади. Уюшма таркибида ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи, аёллар масалалари билан шуғулланувчи махсус қўмиталар ҳам фаолият кўрсатади.*

*Давлатимизда битта олий ўқув юрти мавжуд. Шунинг учун худди сизлардагидек олий таълим вазирлиги ва халқ таълими вазирлиги алоҳида эмас. Тарбия ва олий таълим вазирлиги деб номланган ташкилотга бирлашган. Лекин ҳар бир бўғин ўз бошқарувига эга. Бизда ҳам мактабгача ёшдаги болалар махсус муассасаларда тарбияланадилар. 4-йиллик бошланғич мактабдан сўнг тўрт йил ўрта мактабда ўқийдилар. Яна тўрт йил олий ўқув юртига тайёрланадилар. Бу ҳам таълим тизимига киради.*

*Мактабларда таътил июндан бошланиб, сентябргача давом этади. Ўқув йилининг ярмида ҳам болалар бир ойлик таътилда бўладилар. Давлат Конституциясида таълим олиш ва даволаниш бепул деб қайд этилган. Баъзи хусусий мактаблар маълум йўналишлар бўйича, ўшанда ҳам тарбия ва олий таълим вазирлигининг назорати остида болаларга пулли сабоқ беради. Қувайтда январь ойида ўқитувчилар байрами нишонланади.*

*Биз Қувайт делегацияси аъзоси, жаноб Валид Али Ҳасан Иброҳим билан суҳбатлашдик.*

***—Муҳтарам Валид жаноблари, Ўзбекистонга қилган сафарингиз сизда қандай таассурот қолдирди?***

*—Энг аввало шуни айтишим керакки, мен ўзбекистонликларни шунчалар очиққўнгил, саховатли ва меҳмондўст деб ўйламагандим. Қувайт делегациясининг энг ажойиб ташрифларидан бири Ўзбекистонга бўлди, деб айта оламан. Сахий ва буюк халқ билан учрашдик.*

***— Юртимизга қилган ташрифингизнинг энг эсда қоладиган воқеалари нималар бўлди?***

*— Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидаларнинг асрлар давомида сақланиб келаётганлиги бизни ҳайратлантирди. Қувайтдан келаётиб биз шунчалик буюк бир тарих билан рўбарў келамиз деб ўйламагандик. Биз томонларда Ўрта Осиёни дунёга Амир Темур, Ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий каби буюк инсонларни берган юрт сифатида, мусулмон дунёсида номлари ифтихор билан эсланадиган азиз ва мукаррам кишилар ватани бўлган, деб билишади. Бухоро шаҳрининг ўзида 127 тадан ортиқ тарихий ёдгорликларнинг борлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.*

***— Ўзбекистон таълим тизими ҳақида ҳам маълум таассуротларни олдингизми?***

*— Коллежлар, ҳар бир соҳага йўналтирилган ўқув масканларининг борлиги, таълим даргоҳларида чет тилларни ўргатишга бўлган эътибор, ҳар бир синф хоналарининг замонавий техник анжомлар билан жиҳозланганлиги, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган кучли интилишларини ижобий баҳолайман. Бундан ташқари, мактабларда мунозара дарсларининг борлиги, ноанъанавий усулларда дарс ўтишнинг жорий этилишини ҳам қайд этиб ўтиш зарур.*

*Бизга янгилик бўлган кўпгина усулларни давлатимиз таълим тизимида ҳам қўллаймиз.*

*Учрашув якунида ҳар икки давлатнинг таълим тизими касаба уюшмалари ўртасида битим имзоланди. Мазкур ҳужжатда мунтазам равишда ҳамкорлик қилиш, делегациялар алмашиш, конференциялар, семинарлар ўтказиш каби бир қатор масалалар ўрин олган.*

*Ушбу делегациянинг таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси билан ҳамкорлиги хусусида Марказий қўмита раиси Зоир Қодиров шундай дейди:*

*— Бундан уч йил аввал бизнинг делегациямиз Қувайтга борган ва у ердаги шарт-шароитлар, касаба уюшмалари фаолияти билан танишган эдилар. Бу уларнинг жавоб ташрифи. Биз аниқ масалалар юзасидан фикрлар алмашдик, битим имзоладик. Ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам давом этади, деб умид қиламиз.*

***— Яна қайси давлатлар билан шундай ҳамкорлик ришталарини боғламоқчисизлар?***

*— Таълим ва фан ходимлари Халқаро уюшмаси мавжуд. Ана шу ташкилот билан боғланганмиз. Алоқалар изга тушмоқда. Бу дунёдаги барча касаба уюшмаларини бирлаштирган ташкилот бор. Унинг бош офиси Брюссель шаҳрида, яна бир қароргоҳи Банкокда жойлашган. Ниятимиз кўпгина давлатлар билан алоқа ўрнатиш.*

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

Tahlil

# МАГИСТРАТУРА — ТАДҚИҚОТЛАР "МАКОНИ"

Фанда яратилган ихтиро ва кашфиётлар турмушда ўзининг ижросини топаётганлигига минглаб мисоллар келтириш мумкин.

"Илмий тадқиқот фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартда қабул қилинган "Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистонда илм-фан ҳолатини таҳлил қилишга, унинг йўналишларига назар солишга, янги имкониятларни чамалаб кўришга ва ниҳоят, энг глобал муаммоларни ҳал қилишга ундайди.

Олий таълим тизимидаги янги босқич — магистратура ҳам тадқиқотлар маконига айланмоқда. Буни Тошкент электротехника алоқа институти мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, фикримиз ўз тасдиғини топгандек бўлади.

Институтда магистратура мутахассисликлари 12 та йўналишда белгиланган. Бунда алоқа корхоналари ишини дунёдаги ривожланган давлатлар миқёсида ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Мақсад эса келажакни кўра биладиган, бугунги кундаги муаммоларга ечим топишга қодир мутахассисларни тайёрлашдир. Информация тармоқлари ва коммутация тизимлари, рақамли техника ва электр алоқа бошқариш тизимлари, радиотехника ва телекоммуникация тизимлари ҳамда жиҳозлари, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение, телекоммуникация тизимларининг дастурий таъминоти энг долзарб мутахассисликлар сирасига киради.

Магистратурага қабул қилинган талаба ишни нимадан бошлайди? У ўзи қўл урган мавзунинг моҳиятини қанчалик даражада англаб етади? Ҳимоя қилинган тадқиқотнинг келтирадиган самараси қандай?

Бу саволларга жавобни магистрантларнинг ўзларидан олиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлса керак.

**Баҳодур ФОЗИЛОВ — телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари мутахассислиги магистранти:**

— Менга кафедра томонидан ўрганишга тавсия қилинган мавзу "Пакетларни тезкор коммутацияловчи узеллар (тугунлар) иши таҳлили" деб номланади. Ҳозир телефон тармоқларисиз кишилик жамиятини тасаввур қила олмайсиз. Тезкор, замонавий, ихчам, жойлашиш шароити қулай телефон воситалари Ўзбекистонда ҳам қўлланилмоқда. Мен қўл урган мавзу хорижий давлатлардаги 3 та фирма — "Atom" (Япония), "Sinshine" (Жанубий Корея), "Prelide" (Франция)да ишлаб чиқарилган коммутаторларнинг Ўзбекистон шароитидаги ишлаш жараёнини таҳлил қилишга бағишланганлиги билан тавсифланади.

Бу коммутаторларнинг ишлаш жараёни ҳақида ахборот берувчи тайёр манбалар билан танишиб чиққач, уларнинг бошқарув тизимини ўргандим. Абонентларнинг бир-бирига уланишида қўлланилаётган коммутация тизимларида айрим камчиликлар борлиги ойдинлашди. Оралиқ линияларининг бошқариш тамойилини тезлаштириш мақсадида бу қурилмаларга **ассоциатив процессор** ўрнатиш мумкин экан.

Агар бу янгилик алоқа тармоқларига жорий қилинадиган бўлса, мижозларнинг вақти тежалади, линиядаги ҳар хил шовқинлар бартараф қилинади.

У тезкор, технология ҳажмини кенгайтирувчи, кенг палосали каналлар учун хизмат кўрсатади.

Юнусобод туманидаги 125-телефон тармоқлари корхонасида олиб борилган тажриба-синов ишларидан чиқарган хулосам шундай бўлди. Илмий раҳбарим Владимир Сон менга мавзуни ҳар томонлама ўрганишда бош-қош бўлди. Кўпинча амалий машғулотлар билан банд бўлсакда, "Автоматик коммутация", "Телефон тизимлари алоқасини қуриш асослари" мутахассислик фанларини ҳам ўқиб-ўрганиб бордик.

Тадқиқотни амалиётга жорий қилиш катта самара келтиради. Агар Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги уни етарли даражадаги маблағ билан таъминлаш масаласини ўз гарданига олса, ўйлаймизки, мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти бирмунча юксалади.

**Ҳусанбой ПОЛВОНОВ — рақамли техника ва электр алоқада бошқариш мутахассислиги магистранти:**

— Алоқа тармоқларида уланишнинг турли шакллари мавжуд: бир-бири билан оддий боғланиш, радикал боғланиш, радиал тугунли боғланиш, ҳалқасимон боғланиш. Дунё миқёсида Америка, Европа, Япония давлатларининг алоқа тармоқлари стандарт сифатида қабул қилинган.

Европа давлатларида **синхрон рақамли иерархия** тизимидан фойдаланишади. Шундай технологиялар бизга ҳам кириб келмоқда. Мен ўрганаётган мавзу ана шу технологияларнинг транспорт тармоғини текшириш ва оптималлаштиришга бағишланган.

"SDH"нинг коммутация қиладиган тизимлари бир хил эмас. Бу тармоқлар ўз ҳимоя воситаларига эгадир. Синхрон рақамли иерархия тузилиши, ҳимоя жиҳати, модули билан ҳам фарқланади. Унинг ана шу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайси биридан шаҳар шароитида, қайси биридан қишлоқ алоқа тармоқларида, қайси биридан ички ҳудудий ҳолатда фойдаланиш мумкинлигини ўрганиб чиқдим.

Мавзунинг ичига кириш мақсадида кўп ҳолларда 137-телефон тармоқлари корхонасида иш юритдим. Синхрон рақамли иерархия тизими ўрнатилган бу корхона иши менга жуда қизиқарли туюлди. Транспорт ҳалқа бошқаруви бош муҳандиси Светлана Николаева ҳамда илмий раҳбарим Воҳид Зокиров SDHдан қаерда, қандай мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги хусусида йўл-йўриқ кўрсатишди.

Шу нарса маълумки, SDH тизимидан ҳозирча фақат Тошкент шаҳрида фойдаланиляпти. Келажакда уни республикамиздаги бошқа вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ алоқа корхоналарига ҳам олиб бориш лойиҳалаштирилса, яхши бўларди. Чунки у амалиётда ўзининг самарали эканлигини исботлаб келяпти.

**Дилшод МИРЗАЕВ — электрон радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультети магистранти:**

— Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган радиоқурилмалар интеграл кўринишда бўлиб, улар ҳар хил режимда эксплуатация қилиб кўрилади. Мабодо радиоқурилмалар янги ҳолидаёқ яроқсиз деб топилса, уларга плазма, яъни қоплама қуйилади ва шунда элементларнинг бир-бирига бўлган таъсири ошади, мўътадиллашади.

Менинг ўз олдимга қўйган мақсадим — "Радиоэлектрон қурилма элементларининг мустаҳкамлигини ошириш услубларини ишлаб чиқиш" бўлиб, тадқиқотлар асосан институтимиз қошидаги лабораторияда олиб борилди. Аралаш интеграл схемаларда резисторлар мустаҳкамлигини ошириш устидаги тажрибалар кўп марта ўтказилди.

**Наргиза НОСИРОВА — алоқа корхоналарида менежмент мутахассислиги магистранти:**

— Магистратуранинг 1-курсига қабул қилинган талаба олдида энг муҳим мақсад туради: бирор мавзуни пухта ўрганиш, уни амалиётга жорий этиш мумкинлиги ҳақида ўз хулосаларини тақдим этиш.

"Ўзбекистон почтаси" давлат акционерлик компанияси буюртмасига мувофиқ, "Почта хизмати корхоналарида нарх сиёсати ва уларни мукаммаллаштириш" мавзусини ўрганиб чиқишга бир қадар муваффақ бўлдим. Компания ижтимоий йўналтирилган алоқа хизмати нархларини мукаммаллаштиришга жуда муҳтождир.

Почта алоқаси хизматлари тарифларини шакллантириш ҳам худди бошқа хизматлар сингари иккита ҳолатдан келиб чиқиб амалга оширилади: ишлаб чиқариш таннархи ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган зарурий фойда. Демак, ишлаб чиқариш таннархи ва зарурий фойда миқдорларини тўғри тақсимлаш лозим. Бу нарса жуда муҳим, сабаби, ҳар бир хизматга ўрнатиладиган тариф унга сарфланаётган харажатлардан келиб чиқиб, белгиланиши лозим.

"Ўзбекистон почтаси" давлат акционерлик компаниясига илмий тадқиқотимнинг маҳсули сифатида "Почта алоқаси тарифларини шакллантириш тўғрисидаги модел" тавсия этилди. Улар келгусида буни ҳаётга жорий этишни режалаштиришмоқда.

* * *

Институт магистратурасига 2000-2001 ўқув йилида 94 нафар, жорий ўқув йилида эса 97 нафар илмий изланишга лаёқатли талабалар қабул қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, магистрантлар таълим олишдан ташқари ўз илмий раҳбарлари ёрдамида маҳаллий ва хорижий вақтли матбуот нашрларида турли мавзуларни кўтаришяпти.

Мутахассислик кафедраларининг филиалларини ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этиш ҳам ижобий ҳодисадир. Бундай кафедралар 5 та корхонада мавжуд. Шунингдек, ЎзФАнинг "Асбобсозлик" илмий текшириш маркази, "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, электромагнит мослашув маркази, "Узсвязспутник", "Уздунробита" қўшма корхоналари, "Тошкент почтаси" идорасида турли кафедралар филиалларини очиш режалаштирилган.

Магистратура таълимини олиб боришда кўпроқ амалиётга, мустақил таълимга мурожаат қилиниши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, амалиёт икки хил кўринишга эга: бири илмий-педагогик амалиёт бўлиб, у институт магистратура таълимида 14 январдан 4 майга қадар давом этади. Иккинчиси эса илмий-ишлаб чиқариш амалиёти бўлиб, 11 июндан 4 августга қадар амалга оширилади.

Шу йилнинг ёзида 94 нафар магистрантга магистрлик дипломи берилади. Бу эса 94 та турли мавзудаги илмий тадқиқот ҳимоя қилинди, деган сўздир. Уларнинг қуруқ расмиятчилик учунгина ёзилган иш бўлиб қолмаслиги, ҳаётда ўз қадр-қиммати ва ижросини топиши муҳимдир.

Акс ҳолатда эса магистр даражасини олган кадрнинг икки йил давомидаги саъй-ҳаракатлари бесамар бўлиб қолиши мумкин.

**Хулкар ТЎЙМАНОВА,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

# ҲОКИМ ҲИММАТИ

**Яқинда Фарғона вилояти Учкўприк туманининг турли мактабларини битириб, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурдилар.**

**Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Азимжон Муҳиддиновнинг саъй-ҳаракати ва туман ёшларига бўлган ғамхўрлиги натижасида ана шундай ажойиб тадбир пойтахтнинг "Дархон" қаҳвахонасида бўлиб ўтди.**

**Учкўприк тумани асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, ҳозирда саноатлашаётган туманлардан бири ҳисобланади. Вилоятда туманнинг ўз ўрни бор. Ушбу тадбирга 157 нафар йигит-қизлар таклиф этилди.**

**Дастлаб туман ҳокими А.Муҳиддинов талабаларни бу ерга йиғишдан кўзланган мақсад улар билан дилдан суҳбатлашиш, талабалар муаммоларини тинглаш ва энг муҳими, илм толибларига ёрдам берувчи, улар ҳолидан хабар олувчи фақатгина ота-оналари эмас, балки туман ҳокимияти раҳбарияти, ширкат хўжаликлари бошқарувлари раислари ҳам эканлигини айтиб ўтди. "Туманимизга- деди ҳоким ўз сўзида, - чуқур билим олган, келажакда ўз касбининг устаси бўладиган мутахассислар керак. Туманнинг эртаси, унинг порлоқ истиқболи сизларнинг қўлингизда".**

**Шундан сўнг туман маданият бўлими қошида фаолият кўрсатаётган "Тановар" ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари куй-қўшиқлар билан даврага файз киритдилар. "Наврўз", "Истиқбол", Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раислари ҳам талабаларга дил сўзлари билдирдилар.**

**Бундай эътибордан барча толиби илмлар хурсанд бўлишди. Тадбир ниҳоясида дастурхонга ош тортилди, талабаларга эсдалик совғалари топширилди.**

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

# ШЕЪР, ЎГИТ ВА ҲИКОЯТ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИЛГАН ДАРС

***Таълим-тарбия ишлари янгича мазмун касб этган ҳозирги даврда соғломлаштириш дарсларининг ўрни каттадир. Икки ҳафтада бир маротаба ўтиладиган бу дарс орқали ўқувчиларнинг тўғри ва соғлом ривожланишига эришиш мумкин. Бу дарслар турли ҳаётий мисоллар, мақоллар, шеърлар билан олиб борилса, ўқувчиларнинг қизиқишлари янада ортиши шубҳасиздир. Чунончи, мен 4-синфда саломатлик алифбоси бўлмиш "Турли касалликларнинг олдини олиш" мавзусидаги дарсни ўтганимда ўғил-қизларда ажиб жонланишни ҳис этаман. Шу боис, уни ҳамкасбларим эътиборига ҳавола этмоқчиман.***

Дарс "Донишманд бобо" шеъри билан бошланади.

Уч-тўрт бола тўпланиб турганида Донишманд бобо келиб қолади.

**Болалар:** — Ассалому алайкум!

**Донишманд:** — Ваалайкум ассалом!

**Болалар:** — Эй, донишманд Норбобо,

Даврамизга марҳабо!

**Донишманд:** — Айтинг қани, ўғил-қиз,

Нима билан машғулсиз?

**Болалар:** — Ҳали ёшмиз, билмаймиз,

Ўргатингиз бобо, сиз!

**Донишманд:** — Сизлар сўзланг эркатой,

Бир-бир ўйнаб ўргатай.

Элимизда бор накл:

"Соғлом танда — соғ ақл!"

**Болалар:** — Соғ бўлишга ҳар қачон,

Нима даркор бобожон?

**Донишманд:** — Доим тоза ҳавода,

Ўйнаб юринг озода.

Эгни-бошни кир қилманг,

Қўл ювмасдан ош еманг!

Тишни ювинг уч маҳал,

Қурт тушмагай сира ҳам.

Тиш чўткани олиб сиз,

Мана бундай ювасиз,

Мана шундай ювасиз!

**Болалар:** — Раҳмат, раҳмат бобожон,

Омон бўлинг, ҳар қачон.

**Ўқитувчи:** — Инсоннинг саломат ва қувватли бўлмоғи кишига энг керакли неъматдир. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ, ўргатмоқ учун жамиятимизга соғлом авлод керак. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бор. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик билан зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг устини қўйиб, астарини ювиб овора бўлмоқ кабидирки, ҳар вақт устидаги кири ичига уради.

Имом Шофий ҳазратлари: "Илм икки хилдир: бири бадан илми, иккинчиси дин илми", демишлар.

Саломатликни сақлов лозим ишдир,

Гуноҳдин сақла жисминг ёзи-қишдир.

Биласизми, саломатликни сақлаш омиллари ҳақида машҳур аллома Абу Али ибн Сино нима деганлар?

**Ўқувчи:** — Абу Али ибн Сино шундай деганлар: "Мен сизларга қолдириб кетаётган зўр табибларим бор. Бири тозалик, иккинчиси парҳез, учинчиси бадан тарбиядир, ва қолган иккиси мижоз билан кайфиятдир". Доимо покиза, озода бўлишни унутманг. Кўринган овқатни еявериш, тартибсиз овқатланиш одоб-ахлоқ қоидаларига зиддир. Овқатланишда парҳез меъёрини билиш лозим.

*Иккинчи ўқувчи унинг фикрини давом эттиради:*

Бадан аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмаслик, мижозни унутмаслик, кайфиятни яхши тутишга ҳаракат қилиш керак.

*Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини тўлдиради ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтади:* — Тўғри ташкил этилган жисмоний тарбия шахснинг меъёрий-жисмоний тараққиётини таъминлайди, саломатлигини мустаҳкамлайди, ёшларни меҳнатга, турмушга тайёрлайди. Сизлар эса мунтазам бадантарбия машқларини бажаришингиз, шунингдек, озодаликни сақлашга, ўз кийимларингиз, танангизни тоза тутишга одатланиб боришларингиз керак. Қуёш, ҳаво, сувдан тўғри фойдаланиш кўникмаларини эгаллаш, хоналарда озодалик ва тартиблиликни кузатишни ўрганиш ҳам сизлар учун фойдадан холи бўлмайди.

*Сўнгра ўқувчилар қуйидаги ҳикоятни саҳналаштирадилар. Саҳнада қашшоқ киши ва донишманд. Қашшоқ киши:* — Ота, ейишга ноним, кийишга кийимим йўқ, жуда қийналдим. Нима қилишимни билмай қолдим. Энди қаерга бориб дод солсам экан?

**Донишманд:** — Сен камбағалмисан?

— Ҳа, бола-чақаларим ва ўзим очман. Кийим-кечагим йўқ.

— Хўп бўлмаса, менга ўнг қўлингни сот, неча пул берай?

— Йўқ, ўнг қўлим ўзимга керак, сотмайман.

— Бўлмаса, ўнг кўзингни сот.

— Нега мен ўнг кўзимни сотар эканман! У менга доимо керак.

*Чол шу тарзда йигитнинг тана аъзоларини бирма-бир сотгин, деб айтиб чиқади. Йигит "йўқ" жавобини бераверади.*

**Донишманд:** — Ҳа, тўрт мучанг соғ бўлса, турмушдан зорланиб нима қиласан? Кишининг тани-жони соғлиги туман бойлик-ку? "Соғ танда — соғлом ақл" деб бекорга айтмаганлар. Соғ бўлсанг, қандай иш бажарсанг, қўлингдан келади.

*Шундан сўнг ҳикоят таҳлил қилинади. Ўқитувчи томонидан ялқовлик, танбаллик ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида тушунча берилади.*

**Ўқитувчи:** — Юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш одатлари ҳақида сўзланг.

**Биринчи ўқувчи:** — Инсон учун соғликдан ҳам улуғ неъмат, бахт-саодат йўқдир.

**Иккинчи ўқувчи:** — Соғсаломатлик энг зиёда тозалик, поклик билан сақланади.

**Учинчи ўқувчи:** — Баданингизда кичик-кичик тешикчалар бор. Тер бу тешикчалардан чиқади. Терлаган аъзо ёғланади, кирланади, тешикчаларни беркитиб қўяди. Бу эса соғлиқни бузади. Шунинг учун тез-тез чўмилиб, аъзони иссиқ сув ва совун билан ювиб туриш лозимдир.

**Тўртинчи ўқувчи:** — Қўллар жуда тез кирланади. Кир қўлларимиз воситаси билан оғзимизга ва аъзомизнинг ҳар томонига микроблар ўрнашади. Овқатдан аввал қўлларимизни совунлаб ювишимиз керак.

**Бешинчи ўқувчи:** — Меваларни аввал ювиб, тозалаб кейин ейиш керак.

**Олтинчи ўқувчи:** — Ички кийимларни ечиб, тозаларини кийиб туриш ярим ювиниш кабидир.

**Еттинчи ўқувчи:** — Ўсиб кетган тирноқлар тез орада кирланади, уларни тез-тез олиб туриш лозим. Ювинмаслик кўп касалликларга сабаб бўлади.

**Саккизинчи ўқувчи:** — Хоналарни доимо шамоллатиб туриш фойдадан холи эмас.

*Шундан сўнг ўқитувчи жавобларни умумлаштириб, тўлдиради. Мавзуни мустаҳкамлаш учун эса саволлар беради.*

*Сўнгра уй вазифаси берилиб, дарс якунланади.*

**Нигора АЗИМОВА,**
**Чилонзор туманидаги 281-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси**

Sinab ko'ring

# ДУНЁНИ ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРДАН АСРАЙЛИК!

Seminar

Яқинда пойтахтимиздаги 97-мактабда шаҳар психологлари семинари бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари ўқувчилар ўртасида гиёҳванд ва инсон онг-шуурини заҳарловчи моддаларни истеъмол қилинишининг олдини олиш ва унга қарши курашни кучайтириш борасидаги келгуси ишларни белгилаб олдилар. Юнусобод туманидаги 220, 246, 239, 288-мактаблар ҳамда 21-меҳрибонлик уйларида олиб борилган тарғибот ишлари даврида ўқитувчилар кўмагида ўқувчи ва тарбияланувчиларнинг ўзлари томонидан тайёрланган "Соғлом авлод учун", "Зарарли одатларга қарши кураш", "Татиб кўрмаслик — энг яхши усул" очиқ дарслари долзарблиги, кўргазмаларга бойлиги, муҳими, ўқувчиларда гиёҳванд моддаларга, ёмон иллатларга нафрат уйғота олгани боис юқори баҳоланди. Шунингдек, "Дунёни гиёҳванд моддалардан асрайлик!" (257-мактаб) ва "Пушаймон" (21-мактаб) номли саҳна кўринишлари ҳам ўқувчиларни ўйлаб кўришга даъват этиши учун муҳим аҳамият касб этди.

— Бу семинар туманимизда илк бора ўтказилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Юнусобод ТХТБ ташхис маркази раҳбари Мунира Юнусова. — Ўқувчиларни ёмон иллатлардан, хусусан, наркоманиядан асраш учун уларга 1-синфдан бошлабоқ тушунча бериб бормоқ керак. Касалликни даволашдан кўра олдини олиш осонроқ. Бугунги очиқ дарслар, саҳна кўринишлари, плакатлар кўргазмаси — бари "XXI асрга — гиёҳванд моддаларсиз" шиорини ўртага ташлади.



Дарҳақиқат, психологлар ўсмир ҳаётига гиёҳванд моддалар кириб келмаслиги учун уларга руҳий таъсир ўтказиб, ўз вақтида маслаҳат бериб бормоқлари лозим. Уларнинг тез-тез йиғилиб, семинар ва анжуманлар ташкиллаштиришлари давр талабидир.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

***Суратда: тадбирдан лавҳа акс этган.***

# ЖУРНАЛ ЖАМОАСИ — ЛИЦЕЙДА

Uchrashuv

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти қошидаги академик лицейда "Жаҳон адабиёти" журнали ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди. Журнал Бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Озод Шарафиддинов ёшларга ўзининг эзгу тилакларини изҳор эта туриб, уларни китоб билан дўст тутинишга чорлади.

Дарвоқе, маънавий камолотни китобсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Тўғри, ўзбек адабиёти ҳам жаҳон адабиётининг узвий бўлаги, аммо замонавий миллий адабиёт жаҳон дурдоналаридан "сув" ичиб турмаса, у дунё миқёсида ўз мавқеини топа олмайди. Журнал ўз муштарийларини жаҳон адабиёти намуналари билан таништиришда "кўприк" вазифасини ўтамоқда. Озод Шарафиддинов ҳозирги ёшларнинг китоб ўқишдан бироз "чиқиб" кетганини ошкора эътироф этар экан, агар киши чин дилдан билим олишни истаса, унинг учун на моддий, на жисмоний қийинчилик баҳона бўлолмаслигини уқдирди.

— Лицейимизда эл назарига тушган ёзувчи, шоир ва олимлар ҳар ойда галма-галдан меҳмон бўлишади. Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Тоҳир Малик, Турсуной Содиқова, Хуршид Дўстмуҳамедовлар билан юзма-юз бўлишимизда елиб-югуриб ёрдам берган Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти муҳаррири Назира Жўраевага ҳар доим миннатдорчилик билдирамиз, — дейди лицей директори Аҳрор Ҳусанов.

**МУХБИРИМИЗ**

# ОТ БИЛАН СУҲБАТ

Talqin

"Инсонийлик" тушунчаси сўзда жўнгина кўринади. Аммо унинг замирида бир олам маъно мужассам. Инсон ва инсонийлик адабиётда ҳам, санъатда ҳам таянч мавзу бўлиб келган. Бироқ сўзларга, бўёқларга, куйларга кўчган нарсаларда фақат инсонгина эмас, у яшаётган замин, уни ўраб турган табиат ҳам акс этади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, табиат ва инсон мавзуси адабиётдаги ўлмас мавзулардан биридир. Инсоннинг бир-бирига муносабати, меҳрибонлигию ёвузликлари... Булар ижодкор қаламининг учида турадиган мавзулар. Табиатдаги барча жониворлар инсонга дўст тутинган. Итнинг садоқати ибрат қилиб олинади. Шу тўрт оёқли маҳлуқ инсон учун баъзан умрини ҳам бағишлайди. Нуҳ пайғамбар ҳақидаги қиссага кўра, одамни ўлимдан оддийгина қалдирғоч қутқариб қолади. Бироқ инсон ҳар доим ҳам бу яхшиликларга жавоб бера олмайди. У ўзининг инсонийлик фазилатларини унутиб, бир ўзигагина эмас, табиатга ҳам зуғум ўтказади. Одам боласи қилган шафқатсизликларнинг сон-саноғи йўқ. Бир пайтлар америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй "Ҳамма фожеа шундаки, инсон пайдо бўлгандан буён табиатга зарар ета бошлади", деб айтган эди. Бу ҳақиқатни тан олмай иложимиз йўқ. Аксарият ижодкорлар мана шу оғриқлар билан дунёга жар солишган, қолаверса, адабиётнинг вазифаси ҳам жами воқеа-ҳодисаларга инсонийлик нуқтаи назаридан баҳо бериш. Ёзувчи Саид Аҳмад айнан шу тарафдан ёндошиб, инсоннинг шафқатсизлиги, унинг табиат қаршисида қанчалик тубанлашиши ҳақида яхшигина мушоҳадаларга бой ҳикоя ёзганки, номини соддагина қилиб "От билан суҳбат" деб қўйган.

Ўзбек отни жудаям яхши кўради. Унинг яйловларини отлар безаб туради. Отлар мавзусини Чингиз Айтматов "Алвидо, Гулсари" ёки Тоғай Мурод "От кишнаган оқшом" асарида жуда ажойиб мисолларда, ёркин тасвирларда очиб берган. Инсоннинг отга меҳри ва отнинг ҳайрон қоларли даражада вафоси кишини ўйлантирмай қўймайди. Бу асарларда одам билан жонивор ўртасидаги меҳр куйланган бўлса Саид Аҳмад инсоннинг ана шу жониворга ўтказган зуғуми ҳақида оғриқ билан ёзади.

Ёзувчи ўзи кўрган-кечирган нарсаларини таъсирли, солмоқли сўзлар билан муфассал ҳикоя қилади. Жалолиддин Мангуберди от сурган, Амир Темур лашкарлари от чоптирган бу Ватанда нега бу жонвор хор бўлди, хўрланди? Сир эмаски, халқимиз маънавий инқироз, яъни мустамлака даврини бошидан ўтказди. Бу даврда ўзликни унутиш, юракнинг метинлашуви, меҳр-оқибатнинг сусайиши юз бердики, бу одамларни бир-бирига нафрат, табиатга, жониворларга муносабатнинг ёмонлашувига олиб келди. Бу ҳол даврнинг катта фожеаси эди. Инсоннинг бўйнига гуноҳлар устига гуноҳлар ёзилаверди.

"Ургутда адир тепасидаги Наврўз байрами ўтказиладиган ялангликка чиқадиган тик сўқмоқ ён бағрида бир қабр бор. Андак тўхтаб унга эътибор беринг. Бу жангчи қаҳрамон отнинг қабри. У урушда яраланган эгасини олиб кетаётган санитар вагонининг кетидан югуриб, поезд тезлаб кетганда етолмай йўлда қолиб кетган. Неча ойлаб тоғу тошлардан, дарёлардан ўтиб, чўлларда саргардон бўлиб охири Ургутни топиб келган. Бу вафодор от эгасини кўриш илинжида ойлаб Самарқанд вокзалини бошдан-оёқ айланиб чиқади. Ўзига таниш санитар вагонини тополмай, келгуси поездини кутади. Ургут билан Самарқанд оралиғида қатнайвериб, туёқлари емирилиб, юришга имкон бермай қўяди. У охири қадрдон чавандозига илҳақ бўлиб жон беради".

Ушбу қисқагина мисол орқали ёзувчи отнинг эгасига, яъни инсонга бўлган вафосини таъкидлайди. Отнинг изтироби, у кечираётган руҳий қийноқлар ҳаяжон уйғотади. Отда бизга ибрат бўлгулик гўзал фазилатлар борлигини англаймиз ва шу жониворларда ҳам қалб борлигига имон келтирамиз, ҳайратланамиз.

Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов суҳбатларининг бирида шундай дейди: "Ер юзидаги ҳар қандай тирик унсур ўзининг "мен"ига эга бўлади. Ҳайвонларнинг онги эса маълум даражада шаклланганди*р*". Ҳақиқатда, инсондаги бемеҳрлик, ёзувчи таъкидлаганидек, унинг иймонсизлигидан, эътиқодсизлигидандир. Ислом динида жониворларга озор етказган одам гуноҳкор саналади. Айнан худосизлик инсоннинг ҳар қандай ёвузликни амалга оширишига йўл очиб беради. Унинг бошига тушган кулфатларга ҳам унинг ўзи сабабчи. Аммо, ачинарлиси, ўз фожеасига жониворлар тақдирини ҳам шерик қилади. Ҳикояда ёзувчи ва от ўртасидаги руҳий боғлиқлик кўрсатиб берилган. Отнинг оғир қисмати, ёзувчи бошидан ўтказган йиллар... Ёзувчи бу икки ҳолатни бир-бирига таққослайди.

Бу билан отнинг дилини тушунишга ҳаракат қилади. Масалан, ўйлаш ва эслаш ҳолати. Одам ёлғизликда ва айниқса, қамоқда тинимсиз ўйлайди. Ташқаридаги ҳаёт ҳақида ўйлайди, кечирган йўлларини хотирлайди. От ҳам шундай. Ер тагида ишлайвериб ҳайкалга ўхшаб қолган от кўзларини бир нуқтага тикиб ўйланади. Отнинг изтироби беихтиёр отни кузатиб турган ёзувчига ўтади. "Бу руҳий ҳолат. Бу эрк соғинчи менга таниш. Йигит ёшим барқ урган, уйланиб ҳаёт нашидасини сураётган, ёниб ижод қилаётган пайтимда мени зиндонга ташладилар. Ёруғ тушмайдиган, тиқ этган товуш келмайдиган, якка зимистон хонада ётганимда шу отга ўхшаб кўрган-кечирганларимни эслаб ўтирардим".

Ер тагида қолиб кетган отнинг изтироби қамоқда ўтирган инсон қисматидай аянчлидир. Иложсиз ҳолатда қимир этмайдиган от инсондан меҳр ва шафқат кутади. Ўзининг хизмати, меҳнати ва вафоси эвазига ер қаърига ташланиб, ҳатто насл қолдиришдан ҳам носуво қилинганлигидан ўкинади. Ҳайвонлардан фарқли ўлароқ инсонларга ақл берилган. Яъни у онгли мавжудот. Аммо қалб борасида у баъзан отчалик ҳам бўлолмайди. Инсон маънавияти билан гўзал, йўқса унинг, ҳайвондан фарқи қолмас эди. Ёзувчи кўп урғу берадиган шафқатсизлик одамдан айнан шу маънавиятни, инсонийликни суғуриб олади. Яъни айтиш мумкинки, у ҳиссиз, ваҳший махлуққа айланади. Бир инглиз олими инсоннинг ваҳшийлигини ҳайвонларникидан ҳам даҳшатли деб таъкидлайди ва бир мисол келтиради: Иккита ғазабланган бўри уришиб қолса, бири енгилаётганлигини сезгач, ерга ётиб қорнини тутиб берар, шунда кўзи қонга тўлган бўрининг бирдан кўнгли юмшаб жангни тўхтатар экан, аммо икки инсон уришаётганда бири тан бердим дегандек бошини эгса жаҳл устида турган рақиби унинг бошига қилич тортиб юборади. Бу ҳол эзгулик ва ёвузлик деган тушунчани теранроқ ҳис этишимизга чорлайди. Инсон муаммоси аввало унинг ўзини қийнаб келмоқда. У ўз тараққиёти шаънига ўзи мадҳ ўқиб, табиатдан узоқлашган бир мавжудодга айланиб бормоқда. Табиатдан узоқлашиш одамнинг ўзлигидан чекинишига сабаб бўлади. Яъни табиат гўзалликларини ҳис қилмаган, жониворларни ёқтирмайдиган одамнинг маънавий олами кемтиклигича қолаверади. Ким табиатни севолмаса у ҳаётни ҳам севолмайди. Демак, унда атрофга бефарқлик бор. Қалбида бемеҳрликка мойиллик мавжуд. Қалб меҳр ва шафқат билан тўлгандагина бутун бўлади. Ёзувчи ўз ўйлари орқали ана шуларни айтмоқчи бўлади гўё. У ўттиз йил аввал кўрган отни изтироб билан хотирлайди. 1960 йилдаги воқеа бир умр ёзувчи қалбида муҳрланиб қолади. Ўша от билан учрашган чоғда кечирган ҳисларини қоғозга тўкар экан, адиб халқ бошидан кечирган фожеанинг бир қиррасини биргина отнинг фожеаси билан ўша даврнинг, турғунлик йилларининг аянчли ва совуқ муҳити, урушнинг асоратлари, қатағон йилларининг изларини очиб беради. Ўша йиллар қанчалик бегуноҳ кимсалар қамоқларда ўз фарзандлари жамолини қайта кўролмай ўлиб кетишган. Ёзувчи от фожеаси билан мана шу инсон фожеасини ҳам тасвирлагандай бўлади. Хўрлик ва қора қисмат содда, аммо оғриқли ифодаларда акс этади. Ёзувчи от қаршисида туриб, у билан хаёлан суҳбат қуради.

— Э, биродар. Не гуноҳинг бор эдики, сени шу алфозга солишди?

От тилга киргандай бўлади.

— Менда қандай гуноҳ бўлсин, бир безабон жониворман. Одамларнинг юкини енгил қилдим. Ҳайронман. Олис юртларда жангларга кирдим. Одамлар менга ўқ уздилар. Яраланиб, узоқ юртлардан Ватан деб билган манзилга етиб келдим. Мени кўриб турибсан, ўша соғиниб келган Ватанда офтоб кўрмай турибман...

Биргина "биродар" сўзининг ўзиёқ отга бўлган меҳр, ҳамдардликни англатади. Отнинг тилидан айтилган ҳақиқат аччиқ ҳақиқатдир. Инсон кўпинча ана шундай гумроҳликларга қўл урганини билмайди. Унинг фожеаси ҳам шунда. Адиблар эса, фожеаларни қоғозга тўкаверадилар.

Ёзувчи от ҳақидаги хотиралари, ўйларини баён қилиб келаркан, беозор бир жониворнинг аянчли қисматини қисқагина ифода орқали тасвирлаб қўяди. Яъни 37 йилдан кейин билиб қоладики, ўша 1961 йилда жон берган отни Жигаристонга кўмишган. Бироқ Жигаристондаги тупроқ кўчиши туфайли юзлаб одамлар билан бирга ўша отнинг қабри ҳам тупроқ остида қолган. Ҳатто, унинг қабри ҳам ер қаърида қолиб кетади. Бу қандай изтироб! Ёзувчининг тасвирларида дардли титроқлар сезилади. Бу титроқлар ўқувчи қалбига ҳам кириб боради. Бахтсиз бир отнинг аччиқ қисмати ёзувчининг ҳикоясида ҳаққоний акс этган. Беихтиёр таъсирланиб кетасан, ўйланиб қоласан, киши. Наҳотки, шунчалик шафқатсизликни инсон қилаётган бўлса? Турғунлик йилларидаги шафқатсизликлар бугун такрорланмаслиги лозим. Биз Саид Аҳмад ҳикоясини ўқир эканмиз, шуларни англагандай бўламиз. Ёзувчи дард билан ўша машъум воқеаларни эслар экан, бизни шулардан огоҳ этади гўё, бизга инсонийлик бурчимизни яна бир карра эслатади, ўзлигимизни, маънавий ахлоқимизни унутмаслигимизни уқтиради. Тўғрироғи, биз ёзувчи қаламидан тўкилган жумлаларни ўқиб шуларни ўйлаймиз. Ёзувчининг вазифаси бўлиб ўтган воқеани ҳаққоний тасвирлаш, айниқса, асар равон тилда ёзилса, айтилмоқчи бўлган фикр дарров тушинилади. "Боя айтганим кўмир конида мени ларзага солган нарса 17 йилдан бери ёруғлик кўрмай, тоза ҳаводан нафас олмай яшаётган от эди". Бу жумлани ўқиб ўқувчи ҳам ларзага тушади. Одам бечора бир отни ёруғликдан мосуво этиб, ўзининг манфаати учун меҳнатга, оғир заҳмат гирдобига ташлайди. Аслида эса инсоннинг жониворлар устидан ҳукм чиқариб, унинг умрини, тақдирини ўз қўлига олишга нима ҳаққи бор?! Ёзувчи ҳикоя бошида ажойиб бир мисолни бежиз келтирмайди. "Улар учун "яхши кўриш", "ёмон кўриш" каби туйғулар бегона эмас, қолаверса, ҳайвонлар ўртасида баъзан инсон ибрат олса арзийдиган саъй- ҳаракатлар ҳам учраб қолади". Булар ҳаққоний гаплардир. Агар яхшироқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, биз табиат ва жониворлардан нафақат ибрат олсак бўлади, балки улар олдида қарздормиз ҳам. Инсон кўрсатган шафқатсизликларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Агар у туфайли битта жонзотнинг умри фожеага юз тутар экан, бунда инсон, албатта, ўзини айбдор, деб билмоғи лозим.

**Фарҳод ХОЛСАИДОВ,**
**1-Тошкент педагогика билим юрти ўқитувчиси**

*Тегишли мутахассислар томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари яхши олиб борилмагани боис ота-оналар фарзандларига сотувдаги дарсликларнинг 10 фоизини олиб берган, холос.*

*Туман ҳокимининг ўқитувчиларни яхши билиши, уларнинг иш фаолиятлари билан яқиндан танишлиги ҳаммани қувонтирди.*



Ta'kid

# ИЖАРА ТИЗИМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Ўқитувчиларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим стандартлари талабларига мувофиқ замонавий дарсликларнинг янги авлоди билан таъминлаш, мактаб кутубхоналари фондини миллий ва умуминсоний қадриятларга оид, шунингдек, лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва адабиётлар билан бойитиш, бозор шароитида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш таълим тизими олдидаги муҳим вазифалардан саналади. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, дарсликларни ижарага бериш тизими лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2001 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб жорий этилмоқда. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманида ушбу усул тажриба-синовдан ўтказиляпти. Синов жараёнида жами 575 та мактабнинг 6 тадан синфи иштирок этмоқда.

Маълумотларга қараганда, 2001-2002 йилда дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимига 39 та дарслик киритилган. Қўшимча дарсликлар ва ўқув қўлланмалари йилдан-йилга, мактаблар ўқув дастури талаб этган зарурий адабиётларга тўлиқ эга бўлгунга қадар кўпайиб бораверади. Ушбу тизим Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Агар тажриба-синов муваффақиятли якунланса, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими мамлакатимизнинг барча мактабларида жорий этилади.

Тажриба-синовда аниқлаштириб олиш зарур бўлган ўринлар талайгина. Шу боис бу жараённинг жойлардаги аҳволини ҳозирданоқ таҳлил этиб бориш зарур.

— Дастлабки пайтларда ота-оналар ўртасида янги тизимнинг мақсад ва вазифаларини яхши тушунмаганлар ҳам учраб турди, — дейди Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани халқ таълими бўлими мудири Яздон Ҳамдамов. — Эндиликда аҳвол анча яхши. Буни ўқувчиларнинг билим даражаси, уларни дарсликлар билан таъминлаш, ундан фойдаланиш ўтган йилларга нисбатан ўсганлигида кўриш мумкин. Ҳозирги кунда туманимиздаги жами 54 та умумтаълим мактаби ўқувчилари ижара тизимида белгиланган барча дарсликлар билан тўлиқ таъминланган. Ижара тўлови ҳам тўлиқ ундирилган.

— Янги дарсликлар авалгиларидан мазмун-мундарижасига кўра фарқ қилади, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳзода Маъдиева. —Уларда берилган тестлар, мавзуларга доир саволлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади. Мактабда ижара тизимининг жорий этилиши ишимизни анча енгиллаштирди. Лекин дарсликларнинг чоп этилиш сифатига эътирозларимиз бор. Бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган айрим дарсликлар катта ва оғир, бунинг устига муқоваси ажралиб кетиш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Бир-икки йил фойдалангандан кейин яроқсиз ҳолга келиб қолувчи китоблар ижара тизими кенг ёйилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Осиё тараққиёт банки лойиҳасини амалга ошириш гуруҳининг маҳаллий маслаҳатчиси Шуҳрат Омоновнинг таъкидлашича, ижара тўловлари тўлиқ тўланмаган жойлар ҳам бор. Бунинг асосий сабаби ижара дарсликлари белгиланган туманларга 2001 йилнинг 19 октябригача, яъни янги ўқув йили бошланганидан қарийб икки ой кейин етказилган. Шунингдек, тегишли мутахассислар томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари яхши олиб борилмагани боис ота-оналар фарзандларига сотувдаги дарсликларнинг 10 фоизини олиб берган, холос.

Республикамизда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими илк маротаба йўлга қўйилганини ҳисобга олсак, бу борада камчиликлар бўлиши табиий. Муҳими — тажриба — синов жараёнида юзага келган муаммолардан тўғри хулоса чиқариш.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# САҲНАДА — ТАЛАБАЛАР

***Ўзбекистон Миллий Университетининг маданият саройида бошланган "Ниҳол—2002" театр санъати фестивали юзлаб истеъдодларни кашф этувчи тадбирга айланди.***

***Даставвал иштирокчилар — Республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган Олий ўқув юртлари театр жамоалари пойтахтимиздаги Алишер Навоий ва "Мотамсаро Она" ҳайкаллари пойига гулдаста қўйишди.***

***— Учинчи бор ўтказилаётган анъанавий фестивалга, мана бу йил Қирғизистоннинг Ўш Давлат университети талабалари ҳам ўз театр томошаси билан ташриф буюришди. Ўйлайманки, келажакда бу халқаро фестивалга айланса ажаб эмас, — деди "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори М.Абдуқундузов.***

Festival

***Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда Урганч Давлат университетининг "Шоҳсанам қиссаси" спектакли биринчи, Сам ДУнинг "Беҳбудий", ЎзМУнинг "Тўйлар муборак" саҳна асарлари иккинчи, Қорақалпоғистон Давлат университетининг "Адашганлар" ҳамда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг "Кампир топайми, дадажон" спектакллари учинчи ўринларга лойиқ кўрилди.***

***Шунингдек, 10 дан ортиқ номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.***

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**"Маърифат" мухбири**

Jarayon

# ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ

Она тили ва адабиёт ўқитиш технологияси тушунчаси уни қай усулда ўқитиш, нима асосида таълим бериш, таълим жараёнида қандай воситалардан фойдаланиш, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иштироки тарзлари мажмуасини қамраб олади.

Она тили ва адабиёт дарсларида қўлланган илғор технология ўқувчиларда ўз она тили ва адабиётига меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, уларнинг том маънода саводхон бўлишига эришиш; тўғри, аниқ, мантиқли нутқ соҳиби қилиб тарбиялаш, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ёзма нутқини ривожлантириш, нутқ вазиятига қараб фикрини тўғри ифодалай олиш, ўрганилиши кўзда тутилган асарларни таҳлил қила олиш малакаларини таркиб топтириш каби вазифаларни бажариши лозим. Таълимнинг янги шаклларини шундай танлаш керакки, у ДТС билан белгилаб берилган мактаб она тили ва адабиёт таълимидан кўзланган мақсадни амалга оширишга хизмат қилсин.

Юқорида қайд этилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда республика Таълим маркази, Қашқадарё вилоят ХТБ, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлик режаси асосида жорий йилнинг 18-19 апрель кунлари Яккабоғ туманида "Она тили ва адабиёт таълимида илғор педагогик технология" мавзусида минтақавий ўқув семинари ўтказди.

Ўқув семинари уч йўналишда олиб борилди. Биринчи йўналиш "Она тили ва адабиёт дарслари самарадорлигини ошириш" мавзусида бўлиб, унда дарснинг бошланишидан самарадорликка эришишгача бўлган босқичлар, яъни ўқитувчи, унинг маънавий-касбий фазилатларга, педагогик-психологик билимларга эга бўлиши, дарслик, дастур, методик қўлланмалар, техник воситалардан ўринли ва унумли фойдалана олиши, метод, шакл, усулларни тўғри қўллай олиши, ўқитувчи-ўқувчи муносабати каби масалалар ижобий ҳал қилингандагина самарадорликка эришиш мумкинлиги хусусида машғулотлар ўтказилди.

Иккинчи йўналиш "Илғор педагогик технология нуқтаи назаридан дарс таҳлили" бўйича бўлиб, бунда ҳар бир ўқитувчи ёки методист дарс таҳлилида асосан нималарга эътибор қаратиши, хусусан, таълим усулининг тўғри танланганлиги, илғор педагогик технология унсурларидан ўринли фойдалана олгани, кўрсатмалилик, ўқувчиларни фаоллаштира олгани (интерфаол усул), ўқитувчи-ўқувчи муносабати, ўқитувчи нутқи, нутқ оҳанги ва бошқа масалалар бўйича баҳс-мунозара ўтказилди.

Учинчи йўналиш "Мактаб методбирлашмалар фаолияти" ҳақида бўлиб, бунда методбирлашма иш қоғозлари нималардан иборат бўлиши керак, мактаб методбирлашма йиллик иш режасида қандай масалалар акс этиши ва фаолиятини қандай ташкил этиши лозим, каби масалалар муҳокама қилинди.

Машғулотлар "Ақлий ҳужум" тарзида ташкил этилди. Асосийси, машғулотларда ҳар бир қатнашчига фикрлаш учун, ўз фикрини баён этиш, ҳимоя қилиш учун имкон яратилди. Жараён гуруҳларга бўлиниб ишлаш шаклида олиб борилди.

Машғулот мавзулари оралиғида "Мақоллар", "Давра суҳбати" каби педагогик ўйинлар ташкил қилинди. Семинар-тренинг охирида барча йўналишлар бўйича тайёрланган материаллар иштирокчиларга тарқатилди.

Семинарнинг иккинчи кунида умумий ўрта таълим мактабларининг 5—9-синф "Она тили" дарслиги муаллифлари, Бухоро Давлат университети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Неъматов, Ўзбекистон Миллий университети доценти М.Қодиров, 5—8-синф "Адабиёт" дарслиги муаллифи, ЎзМУ профессори Қ.Йўлдошев, асарлари мактаб дарслигидан ўрин олган таникли шоир Азим Суюн, шоир Турсун Али, ЎзПФИТИ масъул ходими, педагогика фанлари номзоди Рўзмон Келдиёровлар билан амалиётчи ўқитувчиларнинг ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда дарсликлар мазмун-мундарижаси, дарс машғулотларида илғор технология унсурларидан фойдаланиш каби масалаларда баҳс-мунозаралар ўтказилди. Ўқитувчиларни қизиқтирган барча саволларга муаллифлар атрофлича жавоб бердилар.

6-синф "Адабиёт" дарслигидан ўрин олган "Баҳодирнинг қиличи", "Оқ ва қора" асари шоир Азим Суюн томонидан шу синфда ўқиб берилди.

Ўқув семинарда вилоятдаги 14 туман халқ таълими бўлими услубхона мудирлари, тил ва адабиёт бўйича методистлари, мактаб методбирлашма бошлиғи ва илғор ўқитувчилардан вакиллар, Яккабоғ туманидаги мактабларнинг тил-адабиёт муаллимлари иштирок этдилар.

Ўқув семинари жараёнида туман ҳокимиятининг халқ таълимини ривожлантиришга бўлган катта эътибори яққол сезилиб турди. Туман ҳокими семинар қатнашчиларини табриклаш билан бирга тумандаги мавжуд 104 та мактабнинг аҳволи, моддий таъминоти, яқин йилларда қайта қуриладиган янги мактаблар ҳақида тўхталиб ўтди. Айниқса, туман ҳокимининг ўқитувчиларни яхши билиши, уларнинг иш фаолият билан яқиндан танишлиги ҳаммани қувонтирди. Хуллас, икки кунлик ўқув семинар вилоят ХТБ, ВПХҚТМОМИ, туман ХТБ мутасаддилари томонидан уюшқоқлик билан юқори савияда ташкил этилиб, соҳа мутахассисларига узлуксиз методик хизматни тизимли йўлга қўйишда амалий ёрдам вазифасини ўтади.

**М.АБДУРАИМОВА,**
**РТМ бўлим бшлиғи,**
**К.УСМОНОВА,**
**РТМ бош методисти,**
**Р.ШОЙМАРДОНОВ,**
**Яккабоғ тумани ХТБ услубчиси**

# ЖАМОАМИЗ ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ

Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ишларида фаол иштирок этаётган кўплаб умумтаълим мактаблари қатори бизнинг Жиззах вилояти Зафаробод туманида жойлашган А.Дўстов номидаги 10-ўрта мактабда ҳам таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мактабда синфдан ташқари ишларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, 8 та фан, 6 та спорт ва ижодий тўгараклар мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мактаб ўқувчилари қатор йиллардан буён ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари ва кўрик-танловларда вилоят, республика миқёсида фаол иштирок этиб келишаяпти. 2000 йилда республика IV босқич фан олимпиадасида шу мактаб ўқувчиси Гулмира Омонова география фанидан фахрли 2-ўринни олган бўлса, шу бугунги кунда яна бир янгилик мактаб жамоасининг бошини осмонга етказди. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Гуллар ва қушлар байрами"да айнан шу мактаб жамоаси мутлақ ғолиб деб топилди.

Бу улкан муваффақиятда мактаб директори, биология ўқитувчиси Лапас Муродов, ўқитувчилардан Мақсуда Орипова ва Назокат Бойрозо-қаларнинг хизматлари самарали бўлди. Хуллас, бу каби муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш мақсадида мактабда жонли бурчаклар ташкил этиш ҳамда гулларнинг турларини кўпайтириш, шу билан бирга ўқувчиларнинг она-табиатга бўлган муҳаббатини ошириш, ўз ўлкасини яхши билиши каби ишларни такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланаяпти.

**Ю.БЕРДИБЕКОВ,**
**шу мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари**

# ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ

*Маълумки, юртбошимиз томонидан жорий йилни "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан яқинда Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 45-ўрта мактабда "Қариялар эл ардоғида" мавзусида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Мактаб жамоаси томонидан ташкил этилган шодиёнага шу билим даргоҳида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган нафақадаги устоз-мураббийлар ва ишчи-хизматчилар таклиф қилинди.*

*Нафақадаги устоз-мураббийлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳадича ая Шарипова кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат, эътибор учун тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди, 45-ўрта мактаб жамоасига ютуқлар тилади. Тадбирда мазкур зиё маскани бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари, шунингдек, саҳна кўринишлари билан барчани хушнуд этишди.*

*Тадбир сўнггида Пахтачи туман Маърифатпарварлар жамияти раиси О.Қурбонова тантанага ташриф буюрган барча қатнашчиларга туман халқ таълими бўлими совғаларини тақдим этди.*

**Қурбонбой ЖЎРОХОЛОВ,**
**Пахтачи туманидаги 45-ўрта мактаб маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари**

9 may — Xotira va Qadrlash kuni

# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ

*Инсон бу ёруғ оламда умргузаронлик қилар экан, шунчаки яшамасдан, эл-юрти учун нимадир қилса ҳаёти мазмунли бўлади. Шу фалсафани мушоҳада этарканман, кўз ўнгимга Нафас ака келади. У кишидан том-том китоблар, эли корига яраётган фарзандлар қолганлигини ўйлайман.*

*... "Шаҳрисабз тонги" газетасининг янги аср — 2001 йилнинг илк сонида шаҳрисабзлик академик Нафас Бозоров ҳақида суҳбат бермоқчи бўлдик. Бу вақтда у киши Самарқандда яшар ва ишлар эдилар. Муҳарририят топшириғи билан сафарга отландим.*

*Устоз билан бўлган учрашувимиз Самарқанд шаҳрида XX асрнинг сўнгги кунларида кечди. Қаршимда сочларига қиров тушган, истараси иссиқ, кўриниши жиддий, лекин самимий, ўрта бўйли киши турарди. Олтмиш ёшни қоралаётганига қарамай унда кексалик аломатлари сезилмасди. Айниқса, у кишининг содда ва самимий муомалалари, катта олим бўлса-да, оддий, камсуқум, хокисор инсон эканлиги менда катта таассурот қолдирди.*

*Таниқли иқтисодчи олим Н.Бозоров қарийб қирқ йил илмий фаолият билан шуғулланди. У ана шу йиллар давомида "Меҳнат самарадорлигининг иқтисодий моҳияти ва самарадорликни ошириш йўллари" мавзуида илмий изланишлар олиб борди. Натижада 155 та илмий иш дунёга келди. Жумладан, унинг 4 та монографияси, 20 дан зиёд китоб ва рисолалари, 40 га яқин илмий мақолалари чоп этилган. Шунингдек, у киши кўплаб услубий қўлланмаларнинг ҳам муаллифидир. Н.Бозоров кўпгина халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этди.*

*Улуғ инсоннинг ўттиз олти йиллик меҳнат фаолияти Самарқанд Кооператив институти билан боғлиқдир. Нафас ака ана шу даргоҳда иш бошлаган вақтидаёқ фан сирларини очиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун меҳр билан ўқиб-ўрганиш зарурлигини ҳис этди. Уни овқатланиш корхоналарида меҳнатни меъёрлаш ва ташкил этиш муаммолари қизиқтириб келди. Ана шу мавзунинг ҳали ўрганилмаган соҳаларини тадқиқ қилишга киришди. Тадқиқот жараёнида изланишларни дунё иқтисодиёти янгиликлари ва замонавий технологиялар билан бирга қўшиб олиб борди. Бу эса ўзининг ижобий самараларини берди. У 1974 йилда Украина савдо ва умумий овқатланиш илмий тадқиқот институти аспирантурасини тамомлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди, кейинроқ доцент унвони берилди. 1988 йилда эса устоз иқтисод фанлари доктори илмий даражасини муваффақиятли ҳимоя қилди. У 1997 йилда халқаро ахборотлаштириш академияси аъзолигига сайланиб, иккинчи марта академик унвонига сазовор бўлди. Оддий ўзбек олимининг халқаро илмий жамоатчилик томонидан тан олиниб, машҳур бўлиши нафақат шаҳрисабзликларнинг, шунингдек, бутун мамлакатимизнинг фахридир.*



*Академик Нафас Бозоров*

*Нафас ака 1941 йил 1 январда Шаҳрисабзда таваллуд топган. Отаси Бозор ака Сойипов саводли киши эди. Бироқ Бозор ака дунёни эрта тарк этган эди. Уни онаси Ҳуррамой ая оқ ювиб, оқ тараб катта қилди. Етимлигини, отаси йўқлигини билдирмай тарбиялади. 1958 йилда Н.Бозоров шаҳардаги Амир Темур номидаги мактабни битирди. 1958 йилдан 1963 йилгача Самарқанд Кооператив институтида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугатди.*

*Н.Бозоров меҳнат фаолиятини 1963 йилда институтнинг умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш кафедрасида катта лаборантликдан бошлаб, 1999 йилгача шу институтда ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор, декан муовини, кафедра мудири, факультет декани бўлиб ишлади.*

*1999 йилдан умрининг сўнгги кунларигача Самарқанд Давлат университетининг "Иқтисодиёт ва меҳнат социологияси" кафедраси мудири бўлиб ишлади. Бугунги кунда олий ўқув юрти талабалари сабоқ олаётган "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси" дарслиги унинг сўнгги илмий ишларидан бири эди.*

*Устоз қисқа бўлса-да, турмуш ўртоғи Илмира опа билан ширин ҳаёт кечирди. Аҳил оилада уч ўғил, бир қиз вояга етди. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар.*

*... Мана қарийб олти ойдирки, Нафас Бозоров дўстлари, биродарлари, қариндош-уруғлари сафида йўқ. Бироқ устознинг номи, қилган ишлари уларнинг қалбида барҳаёт.*

**Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,**
**журналист**







**Ўғил-қизларга мулоқот усулида дарс ўтиш синалган усуллардан бири ҳисобланади. Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Раъно Аҳмедова, она тили ва адабиёти фани муаллимаси Дилбар Тўлагановалар ҳам кўпинча ана шу усулни қўллашни афзал кўришади. Муаллималарнинг фикрича, бу усулда дарслар ўтилаётганда ўқувчилар ўз масъулиятларини тўла ҳис этиб туришади.**

**Суратларда: дарслар жараёнидан лаҳзалар акс этган.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

Tarix va taqdir

# ИТАЛИЯ ФУҚАРОСИДАН МАКТУБ КЕЛДИ

Ўзбек халқи дунёдаги халқлар ичида энг кўнгли очиқ, меҳмондўст, сахий халқдир. Шунингдек, бизда "Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер", деган нақл ҳам бор. Бу фикрларнинг қанчалик тўғри эканлигига мен қўлимга қуйидаги хатни олиб ўқигач, яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бу мактуб Андижон вилояти Избоскан туманининг Чувама қишлоғидаги 26-ўрта мактаб директори А.Азизов номига битилган эди.

Бу хатни йўлловчи инсон Италия мамлакати фуқароси, ҳозирда Италиянинг Монтова шаҳрида истиқомат қилаётган Владимир Бертаццини Изабелла Гардас бўлиб яшашган. 1934 йили, 23 майда уларнинг ўғли Владимир Бертаццини (Вова Мукас) Москвада дунёга келган. Иккинчи жаҳон уруши давригача Альфонсо Мукас Москвада ва Ростов-Дон шаҳарларида пишлоқ пишириш бўйича шуғулланган. Чунки унинг ота-боболари оддий қишлоқ — Сан-Бенетто-Пода қорамолчилик, деҳқончилик ва пишлоқ пишириш билан банд бўлишган. Кейинчалик А.Мукас озиқ-овқат ташувчи экспедитор вазифасида ишлаган. У ва унинг рафиқаси рус тилини тез ўзлаштириб олган. Улар оилада итальянча, кўчада, ишда русча гаплашишган.

*(The column order as printed:)*

ишлади. У тарихчи олим сифатида эса XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияга эмигрант бўлиб келган операчи Данини сулоласининг тарихини ўрганди ва "Монтуанлик Данини сулоласининг тақдири" деган китоб ёзди, шунингдек, у Монтова шаҳри ҳокими бўлиб ишлади. Ҳозирда эса Италиянинг сиёсий арбобларидан бири ҳисобланади.

Владимир 1999 йили болалиги ўтган қишлоққа ташриф буюрди. Орадан 55 йил ўтган бўлса-да, у Чуваманинг мактабга элтувчи кўчаларини дарҳол таниди, дўстлари билан учрашди. Делегация аъзоларига ўтмиш ҳақида тушунчалар берди. Тантанали учрашувлар самимий ўтган дақиқалар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

они (Вова Мукас) эди. Бу миннатдорчилик хати бўлиб, унда Владимир Бертаццини 1999 йил 12 сентябрда Чувамада бўлиб ўтган учрашувдан, чувамаликлар ва мактаб ўқитувчиларидан, ўзбек халқининг илиқ табассуми ила меҳмондўстлигидан хурсанд эканлигини қайд этган.

Биз бу инсон ҳақида кўпроқ нарсани билиш учун узоқ ўтмишига қулоқ соламиз. Тарихдан маълумки, Италияда фашизм юзага келгандан кейин, кўп италияликлар бошқа давлатларга ўтишга мажбур бўлганлар. Ана шундай инсонлардан бири Вова Мукаснинг отаси Андреа Бертаццини ва онаси Эбе Кавикконилар эди. Улар дастлаб Францияга, сўнгра Халқаро Ёрдам Ташкилоти орқали Москвага ўтишган. Улар эмиграцияда бошқа фамилиядаги паспорт билан Альфонсо Мукас ва

Германия фашизми уруш очгандан сўнг 1942 йилда бошқа кишилар қатори Мукаслар оиласи ҳам Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Улар Қўқонга қабул қилинганлар. Вова бу ерда рус синфида 2-синфни тамомлайди.

Чувамада Вова 3-4-синфларда ўқиди. Уруш тугагач, улар яна Москвага, сўнгра 1946 йилда (21 йилдан сўнг) ўз ватани Италиянинг Монтова шаҳри яқинидаги Сан-Беденетто По қишлоғига қайтдилар. Оила яна ўзининг тарихий фамилияси — Бертаццини фамилиясини олади. 12 яшар Вова ҳам яна қайтадан туғилгандек шу фамилияга ўтади.

Владимир Бертаццини олдин техникумда, сўнг олий ўқув юртида журналистика соҳасида ўқиб, газеталарда муҳаррир-журналист бўлиб

Ҳа, яна мактубга қайтсак: "Биз дўстларимизга сизлар ҳақингизда, бўлиб ўтган учрашувлар ҳақида сўзлаб бераётирмиз. Ҳар бир италияликка Ўзбекистон, деган мамлакат борлигини, унинг халқи ҳақида билиши, бу диёрни харитадан топа олиши, у ерга ташриф буюришлари шарт, деб таъкидламоқдамиз". Очиғи, мактубни ўқиб биз ҳам таъсирландик. Мустақил юртимиз ҳақидаги бу каби эътирофлар ҳар бир фуқарода ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиши, шубҳасиздир.

**О.СИДДИҚОВ,**
**"Маърифат" мухбири**

# ГЕРМАНИЯ: "ТАФАККУР ОДИССЕЯСИ"

Taassurot

Олмон диёрига саёҳатимиз шуниси билан эсда қолдики, биз барчанинг диққат марказида бўлдик.

Германияга ижодий сафар Самарқанд вилояти ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказининг 7 кишидан иборат тўгарак аъзоларига насиб этди. "Тафаккур одиссияси" ("Oddysey of the Mind") фестивали Германияда 90 та давлатдан ёшларнинг ташриф буюриши билан бошланди. Шуни айтиш керакки, биз Германия сафарига 3,5 ой тайёргарлик кўрган эдик. Фестивалда турли янги оҳанглар ихтиро қилиш, механик жонзот, мўъжизавий қанотли қуш, мих ва елимсиз юк кўтарувчи қурилма ясаш, мумтоз асар яратиш каби бешта шарт мавжуд эди. Биз тўрттинчи масала бўйича иштирок этдик.

Шартнинг талаблари: қурилма бальза дарахти ёғочидан ясалган, оғирлиги 15 гр, узунлиги 21,59 см, қалинлиги 0,32 см бўлиши лозим эди. Қизиғи шундаки, бу қурилма деталлари камида 4 тани ташкил қилиб, бир-бирига михсиз ва елимсиз бириктирилиши, 20 кг юк кўтара олиши керак. Бироқ, қалинликда сал хатога йўл қўйганимиз, оғирлиги эса 16 гр чиққани учун 30 жамоа орасида совринли 3-ўрин билан кифояландик. Бизнинг ишимизга дизайн учун, 35 кг юк кўтаргани, шакл, девиз ва бошқа жиҳатларига қараб баҳо беришди. Бу — Европа босқичига йўл очилди деганидир. Европа босқичи эса шу йил Россиянинг Челябинск шаҳрида бўлиб ўтади. Шуниси эътиборга моликки, бу фестивалнинг Европа босқичи 2005 йилда Ўзбекистонда ўтказилиши хусусида ҳам гап борди.

Европа босқичида ғалабани қўлга киритмоқчимиз. Ундан кейин жаҳон босқичининг эшиклари очилади.

"Тафаккур одиссеяси"нинг очилиш маросими Берлин шаҳридаги "Cine MAX" кинотеатрида бўлиб ўтди.

Фестивал "John Kennedi-School" Америка-Германия мактабида давом этди. Кейинги куни ёпилиш маросими 2 минг ўринли мактаб залида бўлди ва биз миллий анъаналар бўйича Европанинг машҳур шаҳарларига саёҳат қилдик. Потсдам конференцияси (1945 й.) бўлиб ўтган жойга бордик, Потсдам ва Берлинни боғловчи кўприкдан ўтдик. Дрезден шаҳридаги галерея, шаҳар яқиндаги гўзал тоғлар ҳеч қачон ёдимиздан чиқмаса керак.

Германия таассуротлари барчамизнинг қалбимизда чуқур из қолдирди. Биз хорижда шуни англадикки, жаҳон бизлардан кўп нарса кутмоқда. Зеро, ёшларнинг "тафаккурлар одиссеяси" олис мамлакатларни ҳам забт этишига ишонамиз.

**Умид РАШИДОВ,**
**Самарқанд ВЎЕТИМ тўгарак раҳбари**

# ЧЕХИЯ БЎЁҚЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОНГА

Xalqaro hamkorlik

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат интститутида бўлиб ўтган анжуман тўқимачилик маҳсулотларини пардозлаш муаммолари ва уни ҳал этиш имкониятларига бағишланди. Унда институт олимлари ҳамда Чехиянинг "Остаколор" фирмаси мутахассислари иштирок этди. Мақсад тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни пардозлаш ва бўяшда илмий-техникавий уйғунликни таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни кучайтиришдан иборат.**

**"Остаколор" фирмаси 1856 йил Чехиянинг Сполек шаҳрида иш бошлаган. Ҳозирги кунда йилига 6 минг тонна сифатли бўёқ ишлаб чиқараётган фирма ўз маҳсулотларининг 80 фоизини 40 дан ортиқ давлатга, жумладан. Ўзбекистонга ҳам экспорт қилмоқда.**

**— Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни истъмолчиларга етказишда талайгина муаммолар мавжуд, — деди анжуманда институт ректори Ҳ.Алимова. — Шу боис чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида институтимизда илмий тадқиқотлар олиб бораётган ёш олимларни ривожланган мамлакатларга малака оширишга жўнатяпмиз. Ўзаро тажриба алмашув бизга янги имкониятлар беради.**

**Чехиядаги турдош Пардубица технология институти билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга келишиб олинди.**

**Беҳбуд БОТИРОВ**
**ЎзА мухбири.**

Taqdimot

# ҚИШЛОҚ МАКТАБИДА ЗАМОНАВИЙ КИМЁ ХОНАСИ

Кимё, физика, биология фанлари дарслари самарадорлигини таъминлашда лаборатория машғулотларининг ўрни беқиёс. Бунда ўқувчилар назарий билимларини амалиётда синаб кўрадилар. Зотан, уйғунлаштирилган таълим ўқувчининг ёдида бир умр сақланиб қолади. Куни кеча "O'z — Silm" Ўзбекистон—Туркия маърифий уюшмаси ана шундай таълимий жараёнга ўзининг беғараз ҳиссасини қўшиш мақсадида Тошкент туманига қарашли Собир Раҳимов номидаги 20-мактабга кимё лабораторияси жиҳозлари жамланмасини тақдим қилди. Тақдимот маросимида ота-оналар, муаллимлару ўқувчилар, жамоатчилик, шунингдек, халқ таълими тизими, Тошкент тумани ҳокимлиги вакиллари ва бошқалар ҳозир бўлишди.

Тантанали маросимда "O'z — Silm" уюшмаси раиси ўринбосари Селим Устга сўз берилди. У ўз чиқишида лаборатория кабинети жиҳозлари (стол, стул, тажриба ўтказишга мўлжалланган идишлар, кимёвий воситалар, кодоскоп, шкаф, ҳавони тозаловчи қурилма)дан ташқари ушбу мактаб ҳисобига яна 100000 сўм пул маблағи ўтказиб беришини маълум қилди.

Маросим якунида ота-оналар ва ўқувчилар номидан сўзга чиққан Адиба Шарипова ҳамда 9-"А" синф ўқувчиси Адҳам Абдужалиловлар эса қишлоқ аҳли ва мактаб жамоаси номидан таълим тизими раҳбарларига, шунингдек, "O'z — Silm" уюшмаси вакилларига илм масканига кўрсатилаётган эътибор учун самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Тақдимот маросими тугагандан кейин биз мактаб раҳбари Лилия Исломова, кимё фани ўқитувчилари Ольга Ким, Тухтахон Каримовалар билан суҳбатлашдик.

— Шу даргоҳда 30 йилдан бери меҳнат қиламан, — деди Т.Каримова. — Жамоамиз жуда аҳил. Чунончи, биз жуда кўп нарсага қодирмиз. Жамоа билан биргаликда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш йўлларини излаяпмиз. Бугун тақдим қилинган кимё лаборатория жиҳозлари бу борадаги имкониятларимиз кўламини янада кенгайтиради, десам муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, янги ўқув қўлланмалари, янги жиҳозлар, ўқув қуроллари ўқувчилар қалбига қандайдир ўзига хос руҳ, кўтаринки кайфият бағишлайди. Муҳими, лаборатория ишлари такомиллашади, назария ва амалиёт уйғунлаштириб борилади. Булар ўқувчиларнинг мустақил ижодий фикрлашини оширади, билим олиш эҳтиёжларини ривожлантиришга хизмат қилади, деб баралла айтиш мумкин. Энг муҳими, эндиликда илм масканининг шу ҳудудда жойлашган Тошкент туман агробизнес коллежига кадрлар етказиб бериш имконияти янада ошади. Шу билан бирга таълим узлуксизлиги таъминланади.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов иштирок этди.

**Қ.МАТҚУРБОНОВ**



***Суратда:** шу мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Ольга Ким тақдимот маросими тугаганидан кейиноқ замонавий кимё хонасида машғулотларни бошлаб юборди.*

**В.ГРАНКИН** олган сурат.

# ЭЪЗОЗ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Нуронийлар" оромгоҳида "Қариси бор уйнинг — париси бор" номли адабий мусиқий кеча ўтказилди.

Буни туман маданият ишлари бўлими тасарруфидаги "Фурқат" ва "Дўстлик" маданият уйлари ҳамда Марказлашган кутубхоналар тизимидаги кутубхона филиаллари ҳамкорликда ўтказди.

Тадбирда қарияларни қадрлаш йилига бағишланган китоблар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни уюштирган барча ташкилотчиларга отахону онахонлар ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

**МУХБИРИМИЗ**

# "КАМАЛАК ЖИЛОСИ" ТАНЛОВИ

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси истеъдодли болаларни рағбатлантириш мақсадида кўпгина тадбирларни ўтказмоқда.**

**Шундай тадбирлардан бири яқинда Ўзбекистон Бадиий академиясига қарашли замонавий санъат марказида республика Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида "Камалак жилоси" расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

**Бу танлов Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Миср фан ва таълим маркази ҳамкорлигида ўтказилди.**

**Кўргазмада мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси "Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчиларининг ижодига мансуб 80га яқин энг сара расмлар ва амалий санъат буюмлари намойиш этилди. Кўргазма икки босқичда ўтказилиб, биринчи босқичда вилоятлар, иккинчи босқичда эса Тошкент шаҳрининг 21, 22, 23, 24, 30, 31 сонли "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари қатнашди.**

**Танлов ғолибларига ҳомийлар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.**

**Фарҳод САТТОРОВ**

# ТАБИАТ ТАШВИШЛАРИ — ОДАМЛАР ТАШВИШИ

Muammo va yechim

Жаҳон соғлиқни сақлаш халқаро ташкилотининг хулосаларида кўрсатилишича, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ғоятда долзарб бўлиб, у ядро уруши хавфини бартараф этиш билан баробар турадиган ғоятда муҳим вазифалардан бўлиб келмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра инсоният цивилизацияси ҳайратланарли суръатда тараққийлашиб бормоқда. Чунончи, дунёда энергетика қувватларини ишлаб чиқариш ҳар 12 йилда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15 йилда 2 бараварга ошиб бориши билан боғлиқ равишда XXI асрда табиатга "индустриал босим"нинг 2,5-3 марта кучайиши кутилмоқда. Айниқса, энергиянинг ёқилғи манбаларига бўлган эҳтиёжларнинг ошиши билан атмосфера ҳавоси йилига 20 млрд. тоннадан ортиқ карбонат ангидрид, 700 млн. тоннадан кўпроқ турли буғ, газ, чанг чиқиндилари билан ифлосланмоқда.

Ерлардан экологик қонунларга амал қилмасдан пала-партиш фойдаланиш оқибатида кейинги 100 йил давомида сайёрамизнинг 27 фоиз ер майдони маданий деҳқончилик учун яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги ачинарлидир. Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд бозор иқтисодиётига ўтишдаги оъектив ва субъектив сабабларга асосланган ташкилий қийинчиликлар экологик эҳтиёжларни нисбатан кейинги ўринларга суриб қўймоқда. Жумладан, уларнинг аксариятида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мўътадилликнинг сақланиб турганига қарамасдан, технологик жараёнларни лойиҳада кўрсатилганидан кўпроқ вақт эксплуатация қилиш, сифатсиз хом ашёдан, ёқилғидан фойдаланиш экологияга салбий босимни кучайтирмоқда. Бундай шароитда давлатларнинг миллий экологик хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқиш заруриятга айланмоқда.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши бошқа ижтимоий-иқтисодий-сиёсий омиллар билан биргаликда, энг муҳими, инсон саломатлигига, ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Экологик вазият, мутахассисларнинг фикрича, ҳатто, кишиларнинг кайфиятига, психологиясига ҳам таъсир этмай қолмайди. Республикамизда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган лойиҳалаштириш, режалаштириш, эксперт назоратини ўрнатиш ва уларни амалга ошириш ўртасидаги узилишларни бартараф этиш эҳтиёжи ортмоқда. Ана шунда муҳим экологик муаммолар ечими аниқланган ва амалга оширишнинг реал имкониятлари бўлган лойиҳалар, ғоялар маънавий эскирмасдан туриб, ўз аҳамиятини йўқотмай туриб, ҳаётга тадбиқ этилади.

Албатта, экологияга доир муаммоларни бир йўла бартараф этиш қийин. Биз талабалик курсисида ўтириб ушбу соҳанинг бўлажак мутахассиси сифатида табиатни асрашнинг жуда кўп тармоқлари мавжудлигини ҳамда уларни амалга киритиш борасидаги масъулиятни ҳис этаяпмиз. Зеро, бу нафақат айрим ижтимоий қатламларнинг, балки, барча соҳа мутахассисларининг, қолаверса, мамлакатимиз фуқароларининг эзгу мақсадига айланмоғи лозим.

**Ойдин ТОЖИЕВА,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси**

# ЯНГИ ДАВР ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 1 курс талабалари иштирокида ўтказилган анъанавий анжуман Ўзбекистоннинг янги тарихий даврига бағишланди. "Мустақил Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти" мавзусида ўтган ушбу анжуманда мавжуд барча факультетларда ўтказилган илк босқичлардан саралаб олинган талабалар иштирок этишди.

— Илмий анжуманнинг амалий томони шундаки, ғолиб бўлган талабаларга университет томонидан пул мукофотлари топширилди. Ундан ташқари, 1-, 2-, 3-ўрин соҳибларининг ишлари ЎзМУнинг "Университет хабарлари" журнали ҳамда бошқа матбуот нашрларида чоп этилади, — дейди ўқитувчи Дилшоджон Ўроқов.

Университетнинг факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ташкил қилинган ушбу илмий йиғинда жами 90 га яқин кичик изланишлар натижалари тингланди.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**ЎзМУ талабаси**

# МУСТАҚИЛ МАШҒУЛОТЛАРДА МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

Эътиборингизга ўтган сонларда эълон қилинган миллий ўйинлар бўйича мустақил машғулотлар, мусобақалар ўтказиш борасидаги тавсияларни ҳавола этамиз.

Ўғил-қиз болалар учун эрталабки чигал ёзиш машқларидан кейин "зув" ўйинида кимнинг ўпкаси кўп ҳавони олиб, неча дақиқа "зув" овозини чиқарган ҳолда узоққа югура олишга мусобақалашадилар. Бунинг учун секунд стрелкаси бўлган соат, текис майдон керак. Майдон беш метрли масофаларга бўлиб қўйилади. Шу белгиларнинг қайси оралиғида болалар неча метр йўлни "зув" деб босиб ўтсалар, тўла ўтган бешликлар бир-бирига қўшилади, тўла ўтилмаган бешликда зувнинг тамом бўлган масофаси ҳам қўшилади. Ким зув югуришда энг тез чопгани умумий масофага сарфланган муддатга — секундларга тақсимланади. Биргалашиб мусобақа ўтказувчиларнинг туғилган ойи, куни, йили дафтарга қайд қилинади. Шунингдек, ҳар бир боланинг мусобақа кўрсаткичи секунд ва метрлаб ёзиб қўйилади. "Зув" ўйинини тоза, чангсиз, тутунсиз жойда ўйнаш тавсия қилинади. Тутун ва чангдан ўпкани эҳтиёт қилиш керак. Ҳар бир иштирокчи уч марта "зув" югуради.

Кейинги ўйин "Арқон тортиш". Аёллар ёшига, жисмоний ривожланиш даражасига қараб ўзаро мусобақа қиладилар, эркаклар ҳам худди шундай. Томонларнинг умумий оғирлик миқдоридаги фарқ 3 килограммдан ошмаслиги керак. Нишаб жойда ўзаро тортишувчиларнинг жойлашуви бир хил текисликда бўлиши шарт. Биринчи арқон тортишдан кейин томонлар жойларини алмаштириб, яна уч марта ким кучлилигини синайдилар. Тўрт марта тортишувда қайси томон неча марта зўр келгани қайд этилади: ҳар томоннинг энг оғир вазнли аъзосининг номлари кўрсатилади.

"Оқ теракми, кўк терак" ўйинида ҳар бир иштирокчи ўйин қоидаларига қатъий итоат этган ҳолда ҳийла, чалғитиш ва бошқа усулларни қўллаб, ўз жамоаси ғалабасига ҳисса қўшишга астойдил интилиши, жонбозлик кўрсатиши зарур. Ҳар икки томон жамоаларининг ҳаракатларидаги умумий уйғунлик, эгилувчанлик, ҳаракат нафосати ўйин қоидаси талаблари асосида ҳакамлар томонидан баҳоланади. Маълумки, спортда намойиш этилган нафис ҳаракатлар маҳоратнинг таркибий қисми ҳисобланади. "Оқ теракми, кўк терак" ўйинида ҳар икки томон ҳам жамоалари миқдорини кўпайтира олмаган бўлсалар, қайтадан ўйнаб, натижага аниқлик киритишга имкони бўлмаса, ҳакамлар ҳаракатлар нафислиги, уйғунлиги ва бошқа сифатларни таққослаб, ғолибни белгилаши мумкин. Ўйин қанча муддат давом этгани ҳамда юкланиш меъёри қайд этилади. Масалан, ўйин 18 минут давом этди. Ушбу ўйинлар мусобақаси натижалари баллда ҳисобланган ҳолда таҳлил ва ҳисоблаш дафтарига туширилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳисоблаш дафтарида шуғулланувчининг жинси, туғилган куни, ойи, йили, тегишли ҳужжатлар асосида қайд этилган бўлиши шарт. Бу тадбирнинг масъулиятли жойи шундаки, инсон саломатлиги, унинг умри ўлчовга сиғмас даражада қадрли. Кундалик спорт мусобақалари натижаларини қоғозга туширишда йўл қўйилган бепарволик, юзакичилик тарбия-соғломлаштириш чора-тадбирларининг келажак режаларини издан чиқаради ва мусобақаларда иштирок этаётганларнинг кўпчилигида спортнинг саломатлик бағишловчи таъсирчан восита эканига шубҳа туғдиради. Касал киши даволаниши мумкинлигига ишонч билан қараса, шифо топади. Шубҳа билан ёндашса, натижа салбий чиқиши, эҳтимол. Жисмоний тарбия ва спортда ютқазиш олдинга силжишнинг бир поғонаси. Ориятли киши учун курашда елканинг ерга тегиши ғалаба қасрига кириш калити, деб бекорга айтилмаган.

Соғлом турмуш тарзи тарбиянинг кенг тарқалиши ва ҳаётга жорий қилиниши билан шаклланади. Барча фанларнинг соғлом турмуш тарзини ҳаётга сингдиришда ўз ўрни бор. Миллий спорт ўйинларининг ҳаётга тез кириб бориши оила аъзоларини соғломлаштириб, ўзаро аҳиллик муҳитини пайдо қилади.

**Ф.НАСРИДДИНОВ,**
**Ш.ТЎЛАГАНОВ**

Абдул-Қодир

# ШЕЪРИЯТ БОҒИ

*Дар шеър се тан пайғамбаронанд,*
*Ҳар чандки "Ло набию баъди".*
*Маснавию қасидаву ғазалро*
*Фирдавсию Анварию Саъди.**

Форслар шоирларин тенг кўрар пайғамбарларга.
Шеърни яхши кўрганлар тайёр жонин берарга.

Яссавий ҳикматларин эъзозлаб ўзбеклар ҳам,
Кўрмаслар ҳар сўзини Пайғамбар сўзидан кам.

Ёзиб "Муҳаббатнома" Хоразмий туркий тилда,
Ёрутди шеър осмонин! Ҳамон довруғи элда.

Лутфийнинг ҳар ғазали севишганларга тумор,
"Сенсан севарим!" — дея, дилларни қилди бедор.

Филча ошди Навоий шеърнинг ҳар бир довонин,
"Хазойинул-маоний" деб атади девонин.

"Хамса" ёзиб мардона, улуғлади инсонни,
У безамоқ истади адолат-ла жаҳонни.

Ҳам шоҳ, ҳам шоир Бобур, Шердир унинг тимсоли.
Назмдадир жамоли, насрдадир камоли.

Довюрак шоир Турди, тахаллуси Фароғий.
Фош этди дун аҳлини ҳажвларин чақмоғи.

Йиғлаб-йиғлаб куйлади Машраби жаҳонгашта,
Оллоҳнинг жамолига руҳи эди пайваста.

Сўф аҳлининг доноси, сўз соҳири Оллоҳёр,
"Саботул-ожизин"ни ўқиганга Оллоҳ ёр.

Подшоҳларга муаллим, улуғларга таржимон,
Қалам сурди Огаҳий шеърда Навоийсимон.

Борми дунёда, айтинг, Нодирадек шоира, —
Файзи илоҳий кучган оқила ва дилпора?!

Гоҳ кулди, гоҳ йиғлади "якка бу Фарғонада", —
Қўшиқ ёзиб бир умр Муқимийи ғамзада.

Ишқ, маърифат булбули эди Зокиржон Фурқат,
Уни еди ичидан Ватан соғинчи, ғурбат.

Ёкди улуғ зот — Чўлпон шеър машъалин янгидан, —
Хабар бериб янги давр ўзбек шеърин тонгидан.

Шеър ўқиса минбардан ҳайқириб Ғафур Ғулом,
Самад Вурғун уриб қарс, Турсунзода эди ром.

Ўз элин жонфидоси эди Ҳамид Олимжон,
Ҳар мисраи бир қилич, ёвга эди беомон.

Ойбек — сўз паҳлавони. Ёзди гўзал достонлар,
Шеърдек ўқилар ҳамон у яратган романлар.

Яна бири — Миртемир. Шеър эди дилбанди.
Шеърни гул деб, бу гулни дала, қирдан терганди.

Етти иқлимга кетди Зулфиянинг шуҳрати,
Ўйчан шеърида аён шоиранинг қисмати.

Юртимизда ўчмасин шеъриятнинг чироғи,
Шеър аҳлининг қайнасин доим илҳом булоғи!

Ўзбек шеърин боғидан гул тердим мен бир даста,
Боқар бу гулдастамга олам эли ҳавасда!

* *Таржимаси:*
*Назмда бор эрур учта пайғамбар, —*
*Гарчи дерлар: — "Эмди набий чиқмайди!"*
*Маснавию қасидаву ғазалда*
*Фирдавсию Анварию Саъдий.*
*(Таржимон — А-Қ).*

# АҚРАБ

**ЧАЁН (Скорпион)**
**24 октябрдан 22 ноябргача**

**Унсури — Сув. Ҳомийлари — Плутон, Миррих (Марс).**

Ақрабни ҳеч ким ва ҳеч қачон юзаки ва енгилтак деб айтолмайди. У ҳар доим масаланинг чуқур ва яширин томонлари асосида қарор қабул қилади. У катта ирода ва мақсад сари интилувчанлик кучига эга. Қандайдир иш ёки режани амалга оширишга киришдими, токи мақсадига етгунча ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тинчлик бермайди. Агар Сунбула бошқалар айбини тезда пайқаб олувчи, аммо ўз камчилигини илғамайдиган ўткир нигоҳга эга бўлса, ақраблар бунинг акси — улар ўз камчиликларидан бошлашади. У ўз фикр ва туйғуларини қаттиқ риёзат, синовларга солади ва ўз баҳосини яхши билади. Ана шу сабабдан унинг мақтовга ҳам, танқидга ҳам одатда тоби йўқ. Улар ўз атрофидагилар махфий ҳаётини тубигача забт этиб, уларнинг яширин сирларидан воқиф бўлгач, ҳеч бўлмаганда ўзларини фош этмаслик, сирларини сақлаш йўлидан боради. Ақрабнинг соғлиғи руҳан ўзини-ўзи эзишдан, ўз муаммоларини доим ичига ютишга интилишдан шикаст ейиши мумкин. Ақрабнинг уни севувчи ва унга ёрдам беришни истовчи кишига нисбатан ишонч ҳосил қилиши ниҳоятда қийин ва ундан катта куч талаб қилади. Кўнгил ишларида эҳтиросли ва содиқ бўлган Ақраб хусусийлик туйғуларига, яъни "ўзимники" деб қарашга ўта мойил. Бу эса ўрнатилган бахтли алоқаларни узишга ёки аҳил оилавий ҳаётни бузишга қодир бўлган рашк туйғусини пайдо қилади ва яна Ақрабнинг энг ёмон хатоларидан бири — қасд олиш истагига олиб келиши мумкин. Ақраб чуқур садоқатли дўст ҳисобланади, айни пайтда хавфли душман ҳам бўлиши мумкин. Ақраблар ҳаёт ва ўлимнинг барча номаълум туб сирларига нисбатан туғма қизиқиш туйғусига эга.

**Ижобий фазилатлари:** мақсадга интилувчан, жўшқин, вазмин, ўткир қарашли, мустақил, кучли савқитабиий эгаси, ҳар қандай ҳодиса моҳиятига етиш қобилиятига эга, қатъиятли, бардошли, дадил, мистикага мойил, масъулиятли.

**Салбий хислатлари:** шахсий мақсадлари йўлида ўжар, ҳукмини ўтказишга мойил, риёзатпараст, шахсиятпараст, рашкчи, ўзбилармон, шафқатсиз, кекчи.

**Бурж вакиллари:** Жалолиддин Румий, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор. А.Алёхин, Ф. Достоевский, Ломоносов, Парацельс, Пикассо, Тургенев, М.Кюри.

# КЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

**(Дам олиш саҳифаси)**

## "СЕВГИМИЯ"

ҲАЖВИЯ

*ДИҚҚАТ!!! Огоҳ бўлинг, ўлкамизда "севгимия" аталмиш "хасталик" эпидемиясининг тарқалишига мойиллик туғидирувчи баҳор фасли кириб келди.*

*Севгимия — нима ўзи? Бу севги хасталигининг оғир кўриниши.*

*Этимологияси: (келиб чиқиш сабаблари) эритиши, меҳрга ташналик, ёлғизлик ҳисси, тасаввуридаги кишисини учратиш, ўзида йўқ ижобий хислатларни бошқаларда топиш. (Билимдонлик, зукколик, соддалик, меҳрибонлик ҳамда ташқи ва ички гўзаллик);*

*ЮҚИШ ЙЎЛИ: эшитиш орқали (асосан қизлар), кўриш ва тактил (тегиниб кўриш) сезгиси орқали (асосан йигитлар), икки жинснинг ўзаро дўстлашиши. Ҳамма йўл орқали юқса касаллик жуда оғир кечади.*

*ПАТОГЕНЕЗИ: (вируснинг таъсир қилиш механизми) инсон организмига тушган вирус сезги йўллари орқали бош мияга етиб боради ва унга ўз тазйиқини ўтказа бошлайди. Натижада, бош мия бошқарувида, организмда ҳиссий гармонлар (биологик актив модда) андроген (эркакларда) ва эстроген (аёлларда) кўплаб ишлаб чиқарилиб қонга қуйилади. Бу гармонларнинг қон орқали бутун организмга тарқалиши инсонда маълум ўзгаришлар вужудга келишига сабаб бўлади, кўзлар чарақлаб, илгари кўрмаган нарсаларни кўра бошлайди.*

*КЛИНИКАСИ: (қандай белгилар билан кетиши) ҳар бир инсон организми бир мўжиза, яъни такрорланмасдир, шунинг учун улар ҳар хил касалликларни ҳар хил қабул қилади ва ҳар хил жавоб қайтаришади. Бу организмнинг иммун системаси (қаршилик кўрсата билиш қобилияти) ҳолатига, ёшига, жинсига боғлиқ. Натижада, инсонларда ижобий ва салбий ўзгаришлар вужудга келиши мумкин.*

*Ташхиси қуйидагилар асосида қўйилади:*

*1. АНАМИСТИК: (сўраб-суриштириш) илгари бунақа ҳолатга тушганмийўқми. Бемор ким билан учрашгандан кейин шу аҳволга тушган. Кимдир қанақа жой ҳақида гапирганда ҳаяжонланиш, гипертемия (тана ҳарорати кўтарилиши) тахихпиноэ (тез-тез нафас олиш), тахикардия (юрак тез уриши) кузатилади ва қанча вақтдан кейин ступор (эсанкираган ҳолат, эс-ҳуши анча йўқолган, саволларга кечикиб жавоб беради) ҳолатига тушган.*

*2. КЛИНИК: феъл-атворининг кутилмаганда ўзгариб қолиши. Қизлар жаҳлдор, йиғлоқи ва нозик бўлиб қолиши. Йигитлар эса одамови бўлиб, қоронғу хонада кўкрагини захга бериб ётиши кузатилади. Айниқса, йигитларнинг юзи шудгорланган ердай нотекис, кўзлари чиройли қизларни кўрганда сичқонни кўрган мушукдай ёниб кетадиган бўлиб қолади. Йигит ҳам, қиз ҳам шеърлар ёзадиган, сирдошга эҳтиёж сезадиган, ҳиндча кинолар кўриб келадиган, муҳаббат ҳақида китоблар ўқишни, ҳикоялар эшитишни ёқтирадиган бўлиб қолади.*

*3. ЛАБОРАТО—ИНСТРУМЕНТАЛ ТЕКШИРУВЛАР АСОСИДА: а) гипермия, гипертония, тахикардия; б) УЗИ (кичик частотали товуш юбориб текшириш), юракнинг бир баробар катталашиб кетиши (икки юрак қўшилиши натижасида) аниқланади.*

*ҚИЁСИЙ ТАШХИСИ: асосан псевдосевги (ёлғон севги) касаллигига нисбатан қиёслашда янглишмаслик керак, чунки бизга келган маълумотларга қараганда, 80 фоиз севги ёлғон севги бўлар экан. Бу касаллик (псевдосевги) натижасида алданиб қолганлар сони кескин кўпайиб, қуйидаги асоратлар вужудга келади:*

*Асоратлари:*

*1. Юрак қон томир касалликлари сони ортиши.*

*2. Ишёқмас, дангаса, одамовилар сони кўпайиб кетиши.*

*3. Сигарет, нос ва спиртли ичимликларга ружу қўйганлар сони ортиб кетиши.*

*4. Соф севгига бўлган ишончнинг йўқолиши*

*ПРОФИЛАКТИКАСИ (асоратлар олдини олиш чора-тадбирлари):*

*I. Бола туғилганданоқ ота-онаси тарафидан қилинадиган ишлар:*

*1. "Ҳали ёш-ку" деб, боласи олдида ножўя гап ва ҳаракатлар қилмаслик.*

*2. Боласини ҳаддан зиёд эркинликка ҳамда қолипга солиб қўймасликка ҳаракат қилиш. Ҳар нарсанинг ўртамиёнаси яхши.*

*3. Болага жуда сирли нарсаларни жуда оддий, лекин тўғри тушунтириш, чунки сирли нарса болани қаҳрабодай ўзига тортади.*

*II. Мактаб ёшида эса ўқитувчилар ва ота-она тарафидан қилинадиган ишлар:*

*1. Мактабга ҳаддан зиёд очилиб-сочилиб (қизлар— калта юбка, ортиқча бўёқ, йигитлар — тор шим, дока футболкада) келишига йўл қўймаслик. Бу псевдосевгининг ҳайвоний ҳирс формаси шаклланишига олиб келади.*

*2. Жуда ўраниб юришга рухсат бермаслик. Сирли нарсанинг ҳаммаси псевдосевгининг ботиний шаклланишини вужудга келтиради.*

*3. Ўсмир ёшидаги ўқувчиларга эса инсон вояга етиши билан организмдаги ўзгаришлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш. Ҳаётий мисоллар келтириш билан алданиш нечоғли ёмонлигини ва алданмаслик учун қанақа синов йўллари борлигини тушунтириш.*

*4. Болалар ҳаётида ҳеч вақт бекорчиликка ўрин қолдирмаслик.*

*ДАВОСИ:*

*I. Руҳий терапия: ҳар вақт ўткинчилиги, ойнинг ўн беши қоронғулигини, унинг имкониятлари ҳали кўп эканлигига ишонтира билиш.*

*2. Чалғитувчи терапия: маълум бир ишга, ўқишга, спорт турига боғлаб қўйиш керакки, хаёл суришга вақт тополмасин. Ёки ташлаб кетган қиздан-да гўзалроқ ва ёшроқ бир қизга уйлантириб қўйиш керак.*

*3. ОИЛАТЕРАПИЯ: ўзига ҳар тарафлама (иқтисодий, диний, миллий, ҳудудий) мос бўлган киши билан оила қуришини таъминлаш.*

*ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯСИ: (маълум вақт мутахассис кузатуви) даволаниб бўлгач, ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар (ота-она, қон-қариндошлар, устозлар, комил дўстлар) тамонидан 3-5 йилгача кузатувда бўлиши керак, улар нотўғри ҳаракатларни тўғрилаб турса, кейинчалик фарзандлар туғилиши билан бу касаллик асоратларсиз батамом соғайиб кетади.*

**Носир СУЮНОВ,**
**ТошМИ 7-курс талабаси**



**Ҳурматли Баҳриддин ЁҚУБОВ!**

Сизни таваллуд айёмингиз ва 55 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат ва педагогик ишларингизда омадлар тилаб қоламиз. Фарзандларингиз ва ўқувчиларингиз камолини кўриб юринг.

Қамаши тумани халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари.



**Ҳурматли устозимиз Облоқул ака АДИЗОВ!**

Азиз умрингизнинг 67-баҳори муборак бўлсин!

Биз Сизни бутун умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган бағрикенг ва меҳрибон мураббий, жонкуяр, фидойи раҳбар сифатида қадрлаймиз ҳамда эъзозлаймиз. Суюкли фарзандларингиз ва шогирдларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Нурота тумани Мирзо Улуғбек номидаги 33-мактаб жамоаси.



**Ҳурматли Садат ОСТОНОВ!**

Сизнинг 55 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Ёш авлодни Ватанга меҳрмурувват руҳида тарбиялаб вояга етказишдек эзгу ишингизга омад. Соғу саломатлик, оилавий бахт тилаймиз. Ижод гулшанингиз мевасини ҳадя этиш бахти билан яшайверинг деб,

Қамаши тумани ХТБ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси жамоалари.

***Қассоб ўғлини мактабга олиб келиб, ўқитувчига тайинлади:***

***— Домлажон, ўғлимни ўқитиб одам қилиб беринг. Эти сизники, суяги бизники...***

***— Қани эди, гўшт тортаётганда ҳам шундай десангиз...***

***

***— Анвар, сенга бир илтимосим бор эди...***

***— Нимайди? Шошиб турибман, тез, қисқа ва лўнда гапир.***

***— Минг сўм...***

***

***Бир йигит фирмага ишга кирмоқчи. Кадрлар бўлимида савол-жавоб:***

***— Умуман олганда, мен тижорат соҳаси бўйича мутахассисман.***

***— Дўконда ишлаганмисиз?***

***— Ҳа, шундай десаям бўлади.***

***— Хонадонлар?..***

***— Тажрибам бор.***

***— Банклар бўйича-чи?***

***— Тажрибам бор, лекин оз, ўн дақиқа.***

***— Тушунмадим?***

***— Сигнализация ишлаб кетди ва биз қўлга тушдик.***

# "ЛОЛАЗОР" КРОССВОРДИ



**ЭНИГА:** 1. "Меҳробдан чаён" романи қаҳрамони. 3. Сувнинг ортиқчасини чиқариб юборишга мўлжалланган гидротехник иншоот. 6. Ўзбек маърифатпарвар шоири, "Луғат ситта алсина" асари муаллифи. 8. Ҳақиқий. 9. Европадаги орол. 10. Ёлғон. 12. Тошкентнинг қадимги номларидан бири. 13. Зеб бериш, пардоз. 15. Пайғамбар. 17. Тўтиқуш. 20. Машиналар, электр двигателларининг стартер ичида жойлашадиган айланувчи детали. 22. Африкадаги дарё. 23. Ғарбий Африкадаги давлат. 26. Кимёвий элемент. 27. Қуръоннинг боби, бўлими. 29. Кимёвий элемент. 30. Арабистон ярим оролининг марказий қисмидаги бир неча қумли чўлларнинг номи. 31. Юнон мифологиясида қанотли ярим аёл, ярим урғочи шер. 32. Гомернинг қаҳрамонлик достони. 33. Цирк майдони. 34. Ҳинд архитектурасида буддистларнинг рамзий ва меъмориал иншооти, осори атиқалар сақланадиган жой. 35. Вақт ўлчаш асбоби. 38.Куч ўлчов бирлиги. 39. Жанубий Осиёдаги давлат. 41. Машҳур рус теннисчиси (исми). 42. Вьетнам пойтахти. 43. Мадҳиядан иборат жўшқин, тантанавор асар. 44. Австралиянинг жанубидаги йирик оқмас шўр кўл. 46. Ватан. 48. Саид Аҳмаднинг романи. 50. Сув тошқини. 51. Ёш қишлоқ хўжалик ҳайвонлари (кўпгина бузоқ ва қўзилар)нинг ўткир касаллиги. 52. Ютилган ионловчи нурланишлар дозасининг бирликлар системасига кирмайдиган бирлиги. 53. 1362 йили Туркия султони Мурод I асирга олинган христиан ўсмирларидан тузган алоҳида мунтазам ҳарбий қисм. 54. Шамсия йил ҳисобининг 4-ойи. 55. Евроосиёдаги энг узун дарё.

**БЎЙИГА:** 1. "Шоҳнома"даги Рустамнинг оти. 2. Норвегия пойтахти. 3. Ғарбий Африкадаги давлат. 4. М.Муҳаммад Дўст асари. 5. Чет эл авторусуми. 6. Сўз ва гапларни, сўз қисмларини графика воситалари ёрдамида тўғри ёзиш. 7. Эфиопиядаги кўл. 8. Шеър 11. Турли ҳодисалар ва нарсаларнинг ягона биринчи ибтидоси сув деб ҳисоблаган юнон мутафаккири. 14. Германия кўмир ҳавзаси. 16. Сўз туркуми. 18. Ибн Синонинг фалсафий асари. 19. Миср маликаси. 20. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 21. Мексиканинг жануби-шарқидаги сўнмаган вулқон. 24. АҚШнинг шимолидаги штат. 25. "Қариликка қасида"автобиографик асари муаллифи. 26. Зиқна. 28. Андижон вилоятидаги шаҳар. 36. АҚШ-нинг жанубидаги штат. 37. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги штати. 38. Пайғамбар. 40. Муқимийнинг ҳажвий шеъри. 42. Ашулачилар коллективи. 43. Ёғочдан тайёрланувчи ер ҳайдаш асбоби. 44. Ун эловчи буюм. 45. Антарктида қирғоқлари ёнида жойлашган денгиз. 46. Канада ва АҚШдаги дарё. 47. Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбида бўлган қадимги шаҳар. 49. Қадимда жиноят ишларини кўрган мансабдор шахс.

**Тузувчи: Қурбонали АСҚАРАЛИЕВ**
**Сайхунобод тумани**

## Xullas...

### СУНЪИЙ КЎЗ

Бахтсиз ҳодиса туфайли кўриш қобилиятини йўқотган америкалик электр пайвандловчи Жерри Смит орадан 36 йил ўтиб, ёруғ дунёни илғаш имконига эга бўлди.

Қандай қилиб?

Окулист Уильям Добелнинг ақлий заковат маҳсули билан. У яратган махсус кўзойнакка миттигина видеокамера ўрнатилган бўлиб, ультратовуш орқали кўриниши лозим бўлган манзаралар бош мияга етиб келади. Кўзойнак Смитнинг белига боғлаб қўйилган микрокомпьютер орқали сигнални қабул қилади. Қисқаси, электрик сигналлар 68 платинали электродларга узатилади. Улар Смитнинг миясида ўз аксини беради ва у предметларни худди "кўргандай" бўлади.

### КАМАЙГАН НИЛУФАР КЎПАЯДИ

Россия "Қизил китоб"ига киритилган нилуфар гулининг камайиб кетаётганлиги ташвишли ҳол. Ҳозирги вақтда у мамлакатнинг яҳудийлар яшайдиган ҳудудидаги учта вилоятда сақланиб қолган.

Олимлар эса нилуфар гулини сунъий равишда кўпайтириш хусусида бош қотиришяпти. Бунинг учун янги сув ҳавзалари керак. Агар уни кўпайтиришга муваффақ бўлинса, бу катта даромад манбаидир.

Нилуфарни кўпайтиришда сув ҳавзаси қиш ойларида 1,5 метр чуқурликка қадар музламаслиги керак. Сувнинг химиявий таркиби ва ҳарорати ҳам мўътадил бўлиши шарт.

Гул кўчатларини сувга ўтказиш май ойига мўлжалланган. Дастлабки тажриба Біробиджондаги болалар экология марказида ўтказилади. Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, нилуфар гулига бу ерда кўнгилдагидек шароит яратилса бора-бора ўсимликнинг бу ноёб тури кўпаяди.

### ҒОЗЛАРУ СИГИРЛАР МУСОБАҚАСИ

Карелияда байрам — қўшиқ, мусиқа, рақс. Худди бизнинг Наврўзимиз каби бир байрам. Одамларнингку кўчада шўх-шодон юришлари одатий ҳол. Ахир, байрамларни ҳам улар ўйлаб топган-да.

Аммо минглаб ғозлару сигирларнинг ҳам "байрам" қилгани кўчага отилишлари жудаям кулгили. Гап шундаки, бу уй эгаларининг қийин қистови билан амалга оширилади.

Байрам аслида халқники бўлса-да, кишиларнинг бир-бирлари билан мутлақо ишлари бўлмайди. Ҳамманинг нигоҳи алпанг-талпанг қадам ташлаб, бир-биридан қолгиси келмаётган ғозлару сигирларда.

Одамзот кўнглига нима келса шуни қиларкан-да. Бўлмаса ҳайвонларнинг "ким ўзар"га югуришини ким қўйибди...

**ana shunaqa gaplar**

Хоразм вилояти ҳокими маҳкамаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, 1-касб-ҳунар мактаби директори Қадамбой Полвонниёзовга опаси

**Бекпошша ПОЛВОННИЁЗОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасининг собиқ мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат фахрийси

**Дўстбек СУЛАЙМОНБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Жиззах ВПХҚТМОИ ректорати, касаба уюшмаси ва профессор-ўқитувчилари жамоаси ушбу институт педагогика-психология кафедрасининг катта ўқитувчиси Матлуба Аҳрорқуловага турмуш ўртоғи, Жиззах олимпия захиралари коллежининг жисмоний тарбия ва спорт йўриқчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси **Юсуф АҲРОРҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-430.
Тиражи 32835 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи:
Ботир ҒОФУРОВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00